



**COVID-19 билан касалланган
ҳомиладорларни олиб бориш бўйича
вақтинчалик клиник қўлланма**

Тошкент-2020

Клиник қўлланмани ишлаб чиқсан ишчи гуруҳ таркиби

1. Абдусаматова Б.Э. – Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари.
2. Климашкин А.А. – PhD, Тошкент педиатрия тиббиёт институти Акушерлик ва гинекология, болалар гинекологияси кафедраси асистенти.
3. Усмонов С.К. – Тошкент педиатрия тиббиёт институти Акушерлик ва гинекология, болалар гинекологияси кафедраси клиник ординатори.

Тақризчилар

1. Расуль-Заде Ю.Г. – т.ф.д., Тошкент педиатрия тиббиёт институти Акушерлик ва гинекология, болалар гинекологияси кафедраси профессори.
2. Камилов А.И. – т.ф.д., профессор, Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси Кенгаши аъзоси.

Методик ёрдам

Ядгарова К.Т. – т.ф.н., Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси тиббий стандартлар ва протоколларни ишлаб чиқиш бўлими бошлиғи.

Мазкур вақтингачалик клиник қўлланма UNFPA техниковий қўмагида ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси билан келишилган.

Клиник қўлланмани ишлаб чиқишдан мақсад

Ҳомиладор, туғруқдаги ва туққан аёлларга (COVID-19) коронавирус инфекцияси ташхисини қўйиш ва даволашда ягона тизим ва услубий ёндашувни жорий этиш ва ташкил қилиш.

KXT-10 бўйича шифри

2020 йил январ ойида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) KXT-10 “Фавқулодда вазиятларда фойдаланиш учун шифрлар” бўлимини янгилади, унга COVID-19 — U07.1 COVID-19 махсус шифри қўшилди (COVID-19 касалликдан вафот этган тақдирда ўлим ҳақидаги тиббий маълумотноманинг биринчи қисмидаги “г” қаторида кўрсатилади).

Клиник қўлланманинг фойдаланилиши

Ўзбекистондаги COVID-19 инфекцияси билан касалланган ҳомиладор, туғруқдаги ва туққан аёлларга тиббий ёрдам кўрсатадиган мутахассислар учун ишлаб чиқилган ушбу клиник қўлланмада ҳозирги кунга мавжуд клиник далиллар, яхши тажриба ва эксперт хуносалари тақдим этилган.

Қўлланма ЖССТ, CDC, FIGO, RCOG, ACOG, SOGC каби етакчи ташкилотларнинг маълумотларини ўз ичига олган. Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳомиладор аёлларда янги (COVID-19) коронавирус инфекциясининг олдини олиш, ташхислаш ва даволаш бўйича вақтинчалик тавсияларидан бир қисми олинган [30]. Маҳаллий шароитларга мослашган ҳолда ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга, ҳисобга олиш керакки, пандемия тез ривожланаётганлиги сабабли, ҳар қандай вақтда қўлланма тўлдирилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

Қўлланма тайёрлашда қуйидаги иккита устувор йўналишлар ҳисобга олинди:

1. Ҳомиладор аёлларга COVID-19 инфекцияси юқиши эҳтимолини камайтириш.
2. COVID-19 инфекцияси гумон қилинганда ва/ёки тасдиқланганда, ҳомиладор аёлларга хавфсиз тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлаш.

Мазкур қўлланмани қўллаш тавсия этилаётган bemorlar тоифаси:

COVID-19 инфекцияси билан касалланган ҳомиладор, туғруқдаги ва туққан аёллар ва чақалоқлар.

Қўлланмадан фойдаланувчи гурӯхлар:

Шошилинч тез тиббий ёрдам шифокорлари, умумий амалиёт шифокорлари, акушер-гинекологлар, неонатологлар, анестезиолог-реаниматологлар, терапевтлар, инфекционистлар, акушеркалар (доялар), ҳамширалар.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	5
ВИРУС. ҚИСҚАЧА ТАВСИФ	6
ИНФЕКЦИЯ ЮҚИШИ	6
ТАЪРИФИ	7
КЛИНИК КҮРИНИШИ	7
ҲОМИЛАГА ТАЪСИРИ	9
ТАШХИС ҚҰЙИШ.....	10
ПЕРИНАТАЛ ЁРДАМ КҮРСАТУВЧИ БАРЧА ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ УЧУН УМУМИЙ ТАВСИЯЛАР	11
COVID-19 ИНФЕКЦИЯСИ ТАСДИҚЛАНМАГАН, АММО ИНФЕКЦИЯ ЭХТИМОЛИНИ КҮРСАТУВЧИ КЛИНИК АЛОМАТЛАРИГА ЭГА ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАР.....	14
COVID-19 ИНФЕКЦИЯГА ГУМОН ҚИЛИНАЁТГАН ЁКИ ТАСДИҚЛАНГАН АЁЛЛАРГА ТУҒРУҚДА ТИББИЙ ЁРДАМ КҮРСАТИШ	17
ҲОЛАТЛАРИ ҮРТА ЁКИ ОҒИР ДАРАЖАДАГИ COVID-19 ИНФЕКЦИЯСИ БҮЛГАН АЁЛЛАРГА ТИББИЙ ЁРДАМ КҮРСАТИШНИНГ ҚҰШИМЧА ЖИХАТЛАРИ	21
ТУҒРУҚДАН КЕЙИНГИ ТИББИЙ ЁРДАМ ВА ЧАҚАЛОҚЛАРНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ	23
COVID-19 ИНФЕКЦИЯСИ МАВЖУД БҮЛГАН ҲОМИЛАДОР, ТУҒУВЧИ ВА ТУҚҚАН АЁЛЛАРНИ МЕДИКАМЕНТОЗ ДАВОЛАШ	26
COVID-19 БИЛАН КАСАЛЛАНГАН ҲОМИЛАДОР, ТУҒРУҚДАГИ ВА ТУҚҚАН АЁЛЛАРНИ СТАЦИОНАРДАН ЧИҚАРИШ МЕЗОНЛАРИ	29
ИЛОВАЛАР.....	30
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	34

КИРИШ

Маълумки, ҳомиладорлик – аёлни турли хил вирус агентларга кўпроқ мойил қиласиган иммунитет ҳолатининг ўзгариши билан кечувчи ҳолатидир. Натижада, ҳатто мавсумий грипп нозологияси каби касалланиш ҳам кўпайиб бормоқда. Шу муносабат билан, SARS-CoV-2 коронавирус пандемияси ҳомиладор аёллар учун жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин деган хавотирлар мавжуд.

Ҳозирги кунгача ҳомиладор аёлларда коронавирус инфекциясининг кечиши тўғрисида озгина маълумот йиғилган. Шу билан бирга, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ҳамда Касалликларни назорат қилиш ва олдини олиш марказлари (CDC) ҳомиладор аёлларга ёрдам кўрсатишнинг баъзи жиҳатларини ўз ичига олган COVID-19 оралиқ қўлланмаларини эълон қилди. Ушбу қўлланма, асосан, бундан аввалги коронавирус инфекциясининг тарқалишида ҳомиладорликни олиб бориш тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

ВИРУС. ҚИСҚАЧА ТАВСИФ

Коронавируслар оиласи одам ва ҳайвонларнинг муҳим патогени ҳисобланади. 2019 йил охирида Хитойнинг Хубей вилояти Ухан шаҳрида зотилжам (пневмония) хасталигининг кластерини (гурухини) келтириб чиқарган янги коронавирус аниқланди ва идентификацияланди. Вируснинг кенг тарқалиши бутун Хитой бўйлаб эпидемияга олиб келди, сўнгра дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам касалланиш ҳолатларининг кескин қўпайиши кузатилди. 2020 йил феврал ойида ЖССТ ушбу касалликни COVID-19, яъни 2019 йил коронавирус касаллиги деб атади [16]. COVID-19 вируси 2 – оғир ўткир респиратор синдромини келтириб чиқарадиган коронавирус (SARS-CoV-2) сифатида белгиланди; аввалроқ у 2019-nCoV инфекцияси деб номланган эди.

Айтиш керакки, оддий шамоллашни келтириб чиқарадиган HCoV 229E, NL63, OC43 ва HKU1, Яқин Шарқ респиратор синдромини келтириб чиқарадиган MERS-CoV ва ўткир респиратор синдромини келтириб чиқарадиган SARS-CoV каби бошқа коронавирус турлари мавжуд.

SARS-CoV-2 ва SARS-CoV вирус геномлари ўртасидаги гомология 82% ни ташкил этиши айтилмоқда [17].

ИНФЕКЦИЯ ЮҚИШИ

Дунё бўйича деярли барча COVID-19 ҳолатлари инфекция одамдан одамга юқиши мумкинлигини исботлайди. Вирус нафас олиш йўллари секрети, нажас, беморга тегишли нарсалар ва уй-рўзгор буюмларидан осонгина ажратиб олиниши мумкин.

Ҳисобланишича, бугунги кунга келиб, SARS-CoV-2 коронавирусининг тарқалиши, асосан, ҳаво-томчи йўли орқали содир бўлади ва гриппнинг тарқалишига ўхшайди. Инфекция, касалланган шахслар гаплашганда, йўталганда ва акса урганда юқади. Соғлом одам беморнинг шиллиқ пардалари билан тўғридан тўғри алоқа қилганда (масалан, бўса олганда) инфекцияни юқтириб олиши мумкин. Одам заараланган сирт юзаларни (масалан, эшик тутқиличарни) ушлаганидан сўнг қўзи, бурни ва оғзига текканида, инфекция юқиши мумкин.

Вирусли томчилар 2 метрдан ортиқ масофага тарқалмайди ва ҳавода сақланиб қолмайди, лекин тажрибада SARS-CoV-2 камида уч соат давомида аэрозол шаклида яшashi бир мақолада кўрсатилмоқда [19].

Бугунги кунга келиб, умумий аҳолига қараганда, ҳомиладор аёллар инфекцияга қўпроқ мойил эканлиги ҳақида ҳеч қандай далиллар мавжуд эмас,

аммо ҳомиладор аёлларда иммунитетнинг ўзгариши туфайли инфекциянинг оғирроқ клиник кўриниши ривожланиши хавфи бор деган хавотирлар мавжуд.

ТАЪРИФИ

Коронавирус инфекцияси (COVID-19) – аэрозол-томчи ва майший контакт орқали юқиш механизми ва ўпка тўқималарини шикастлашга (тропизм) эга бўлган, коронавируслар туркумига кирувчи янги SARS-CoV-2 вирус штамми келтириб чиқарадиган, интоксикация, юқори ва пастки нафас йўлларининг яллиғланиши, оғир ўтқир респиратор дистресс синдроми ва сепсис ривожланиш хавфи бўлган пневмониягачан тавсифланадиган, асимптоматик вирус ташувчиликдан клиник жиҳатдан яққол ифодаланган касалликнинг шаклларигача кечадиган ўтқир юқумли касалликдир.

Коронавирус инфекциясининг инкубацион даври 2 кундан 14 кунгacha, ўртача 5-7 кунни ташкил қиласиди [6, 9, 12].

Умумий популяциядаги клиник аломатлар диапазони касалликнинг енгил кечишидан бошлаб, критик ҳолатлар ривожланишигача ўзгаради. Кўпгина ҳолатларда касаллик жиддий ривожланмайди [5, 6, 8, 11, 15, 20, 23].

CDC маълумотларига кўра, касалликнинг оғирлик кенг тури XXРда 44500 bemорда касаллик кечишини таҳлил қилиш натижасида келтирилган [22]:

- bemорларнинг 81% да пневмония ривожланмаслиги ёки унинг енгил кечиши қайд этилган;
- bemорларнинг 14% да оғир касалланиш (нафас қисилиши, гипоксия ривожланиши, радиологик текширув натижаларига кўра ўпка тўқималарининг 50% дан ортиғи шикастланиши) қайд этилган;
- критик ҳолатлар bemорларнинг 5% да нафас етишмовчилиги, шок, полиорган етишмовчилиги ривожланиши билан кузатилган.
- ўртача ўлим даражаси 2,3% ни ташкил қиласиди, шу билан бирга, оғир ахволдаги bemорлар орасида бирон бир ўлим ҳолати қайд этилмаган.

ЖССТ маълумотларига кўра, ўлим даражаси Уханда 5,8% дан, XXРнинг қолган ҳудудларида 0,7% гача ташкил этган.

КЛИНИК КЎРИНИШИ

COVID-19 инфекциясининг умумий популяциядаги кенг тарқалган жиддий клиник кўриниши пневмония бўлиб, биринчи навбатда тана ҳароратининг кўтарилиши, йўтал, нафас қисилиши ва ўпкада икки томонлама инфильтратлар (сўрилмаган қисм) пайдо бўлиши билан тавсифланади [9].

COVID-19 инфекциясини бошқа респиратор вирусли инфекциялардан фарқлашга ёрдам берадиган аниқ бир клиник кўриниши аниқланмаган.

Ухандаги 138 bemорда COVID-19 инфекциясининг клиник кўриниши таҳлили қуидаги энг кўп учрайдиган аломатларни кўрсатди [20]:

- **Тана хароратининг кўтарилиши** - 99% да
- **Ҳолсизлик** - 70% да
- **Қуруқ йўтал** - 59% да
- **Иштаҳа йўқлиги** - 40% да
- **Мушакда оғриқ (миалгия)** - 35% да
- **Балғам ажралиши** - 27% да.

Бошқа кам учрайдиган аломатлари орасида **бош оғриғи, томоқ оғриғи ва бурун оқиши (ринорея)** кузатилган. Баъзи bemорлар, нафас олиш бузилиши аломатларидан ташқари, **ошқозон-ичак йўллари** бузилиши аломатларидан шикоят қилишлари мумкин (масалан, **кўнгил айниши** ва **диарея, гипосмия (ҳид билиш сезгисининг сусайиши)**) [11, 20]. Баъзи ҳолларда, **эс-хуш бузилишлари** (9%), **бош оғриғи** (8%), **қон қусиши** (5%), **юрак тез уриши** каби аломатлар кўшилган.

Касалликнинг асимптоматик кечиш ҳолатлари ҳам маълум бўлган, аммо бундай ҳолатларнинг частотаси ноаниқлигича қолмоқда [6, 12, 21].

Шунингдек, bemорларнинг умумий популяцияси каби, ҳомиладор аёлларнинг кўпчилиги шамоллаш, енгил ёки ўрта оғир даражадаги грипп аломатларига шикоят қиласди. Ҳомиладор аёллар касалликнинг оғир кечишига, оғир пневмония ва гипоксия ривожланишига мойиллигини ёдда тутиш керак. COVID-19 инфекциясининг бундай шакллари кексалар, иммунитети пасайган, қандли диабет, онкологик касалликлар, ўпка касалликлари каби сурункали касалликлар мавжуд бўлган одамларга хос эканлиги маълум бўлса-да, ҳомиладор аёлларга ҳам ҳушёр бўлиш лозим. Хавф мутлақо аҳамиятсиз бўлишига қарамай, ҳомиладор аёлларда оғир касаллик аломатлари аниқланиши ва дарҳол тегишли даво ўтказилиши керак.

COVID-19 инфекцияси билан касалланган ҳомиладор аёлларда пневмония ривожланишининг клиник кўриниши Liu ва бошқ. томонидан ўтказилган тадқиқотда яхши тасвирланган [14]. Бирон бир тизимли маълумот йўқлиги сабабли, мақоладан бир қисмини тақдим этиш зарур деб биламиз.

Қабул қилинган вақтда енгил пневмония ташхиси қўйилган SARS-CoV-2 га ПЗР-тести ижобий бўлган 15 нафар bemорда касалликнинг кечиши ҳақида муаллифлар маълумот беришган. Беморларнинг ёши 23 ёшдан 40 ёшгача, ҳомиладорлик муддати 12 ҳафтадан 38 ҳафтагача бўлган. Бир bemорда талассемия ва гестацион қандли диабет борлиги, яна бирида 10 йил олдин

митрал ва уч тавақали юрак клапанлари жарроҳлик йўли билан алмаштирилгани, беморлардан яна бирида йўлдош тўлиқ олдинда жойлашгани маълум бўлган. 15 bemордан 13 нафарида тана ҳароратининг 37.6-39°C гача кўтарилиши кузатилган, бунда тана ҳароратининг кўтарилиши касалхонага ётишдан 2-10 кун олдин бошланган. Бундан ташқари, 9 нафар bemор йўталга, 4 нафари умумий ҳолсизликка, бири томоқ оғриғига, бошқа бири эса ич кетишига шикоят қилган. 2 нафар аёлда пневмониянинг клиник аломатлари қузатилмаганлиги сабабли, касалликнинг бошланишини аниқлашнинг имкони бўлмаган. Туғруқдан кейинги даврда бир bemорда тана ҳароратининг 38.5°C га кўтарилиши кузатилган, бунда туғруқдан кейинги 1-куннинг охирига келиб, унинг аҳволи яхшиланган. 12 нафар аёлда лимфоцитларнинг миқдори камайиши, 11 нафар аёлда эса С-реактив оқсили даражасининг ортиши кузатилган.

Тадқиқот якунига келиб, 11 нафар аёлда ҳомиладорлик туғруқ билан тугаган, 4 нафарида ҳомиладорлик ривожланиши давом этган. Содир бўлган 11 туғруқдан 10 таси кесарча кесиши амалиёти билан амалга оширилган, бир аёлда табиий туғруқ содир бўлган. Неонатал ўлим ҳолатлари ва асфиксия ривожланиши кузатилмаган. Барча ҳолатларда, янги туғилган чақалоқлар Апгар шкаласи бўйича баҳолангандан, умумий кўрсаткичлар нормал қийматда бўлган.

Туғруқдаги барча 11 нафар аёл бурун найчаси (канюля) орқали кислород қабул қилган, туғруқдан олдин эмпирик антибиотиклар билан даволанган, туғруқдан кейинги даврда эса вирусларга қарши дори-воситалари қўшилган.

4 нафар аёлда ҳомиладорлик ривожланиши давом этган, уларнинг барчаси эмпирик антибиотиклар билан даволанган, 3 нафар bemор қабул қилинган пайтдан бошлаб кислород қабул қилган. Ушбу bemорларнинг ҳеч бири вирусларга қарши дори-воситалар билан даволанмаган.

Тадқиқот якунига келиб ва даво муолажалари ўтказилганидан сўнг, 15 нафар bemордан 14 тасида SARS-CoV-2 га ПЗР-тести салбий натижаларни кўрсатган. Лимфоцитлар миқдори 14 нафар bemорда ва С-реактив оқсили даражаси барча 15 нафарида нормал кўрсаткичга етган. Даволаниш якунида барча 15 нафар аёлда йўтал ва бошқа клиник аломатлар йўқолган.

ҲОМИЛАГА ТАЪСИРИ

Ҳозирги вақтда COVID-19 инфекцияси билан касалланган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорликни эрта муддатларида сунъий йўл билан тўхтатиш ёки ривожланмай қолган ҳомиладорлик хавфи борлигига доир ҳеч қандай маълумот келтирилмаган. Коронавирус инфекцияси ва иккинчи триместрда ҳомила тушиш хавфи ўртасида ишончли боғлиқлик ҳам мавжуд эмас [12].

Онадан ҳомилага COVID-19 инфекцияси ўтиш ҳолати чоп этилди, бунинг натижасида ҳозирги вақтда инфекциянинг вертикал тарзда юқиши эҳтимоли бор деб ҳисобланмоқда. COVID-19 инфекциясининг вертикал тарзда юқиши ҳақида далиллар мавжуд эмаслиги сабабли, ҳозирги вақтда, вирус ҳомиланинг ривожланишига таъсир қилиши эҳтимоли кам. Ҳозирги вақтда вирус тератоген таъсирга эга эканлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот ҳам йўқ.

Нашрларда COVID-19 инфекцияси билан касалланган аёлларда муддатидан олдин туғруқ ҳолатлари ҳақида маълумотлар келтирилган, аммо уларнинг қайси қисми кўрсатмаларга кўра амалга оширилганлиги, қайси қисми табиий бўлганлиги аниқ эмас. Муддатидан олдин туғдириш онанинг вирусли инфекцияси билан боғлиқ кўрсатмаларга мувофиқ амалга оширилганлиги маълум. Баъзи маълумотларда ҳомилада дистресс ҳолати ва қоғоноқ пардасининг туғруқдан олдин ёрилиши келтирилган.

ТАШХИС ҚЎЙИШ

Ташхис клиник аломатлар, шу жумладан тана ҳароратининг кўтарилиши, ҳолсизлик, мушакда оғриқ, қуруқ йўтал, ҳаво етишмаслиги ҳисси асосида қўйилади. Баъзи ҳолатларда бурун битиши, бурун оқиши, томоқ оғриғи, қон қусиш ва диарея аломатлари кузатилиши мумкин.

Касалликнинг дастлабки босқичларида умумий қон текшируvida лейкоцитлар нормада ёки камайган миқдорда бўлиши мумкин, лимфопения кузатилиши мумкин. С-реактив оқсили даражаси ортади. Баъзи беморларда тромбоцитопения, жигар ферментлари ва креатинфосфоскиназа даражасининг ортиши кузатилади.

PaO₂, PaCO₂, pH, бикарбонатлар, лактатни (кўрсатмаларга кўра) аниқлаш билан артериал қон газлари текшируви ўткир нафас етишмовчилиги (ҮНЕ) белгилари мавжуд бўлган bemorларда (пульсоксиметрияга кўра SpO₂ 90% дан кам бўлганида) ўtkaziladi.

Протромбин вақт, халқаро меъёрлаштирилган нисбат (МНО) ва фаоллаштирилган қисман тромбопластин вақти (кўрсатмаларга кўра) аниқлаш билан коагулограмма текшируви ҮНЕ белгилари мавжуд бўлган bemorларга тавсия этилади.

Нафас етишмовчилигини аниқлаш ва гипоксемия оғирлигини баҳолаш учун SpO₂ ўлчаш билан пульсоксиметрия ўтказилади.

Пульсоксиметрия оддий ва ишончли текширув усули бўлиб, гипоксемия ҳолатидаги респиратор қўллаб-қувватлашга муҳтоҷ бўлган bemorларни аниқлашга ва унинг самарадорлигини баҳолашга имкон беради.

Вирусли пневмонияни тасдиқлаш ёки истисно қилиш учун инструментал текширувларининг энг самарали усулларидан бири кўкрак қафаси аъзоларининг контрастсиз **компьютер томографияси (КТ)** текшируви ҳисобланади. Ҳомила учун хавф туғдириши асоссизлигини ҳисобга олган ҳолда, барча шубҳали ҳолатларда текширув ўтказилиши керак. **COVID-19 инфекцияни ташхислашда КТ нинг сезгирилиги ПЗР-тестидан юқорилиги кўрсатилган (71% га нисбатан 98%)** [4]. Вирусли пневмониянинг радиологик белгилари COVID-19 инфекцияси билан касалланган ҳомиладор аёлларнинг аксариятида мавжуд. Пневмониянинг асосий белгилари «хира ойна» каби кўринишдаги инфильтратлардир.

КТ текширувани ўтказиш имкони бўлмаган ҳолларда кўкрак қафаси аъзоларини ён ва олдинги тўғри проекцияларида **рентгенография** ўтказиш пневмонияга гумон қилинаётган барча bemорларга тавсия этилади.

COVID-19 инфекцияси лаборатория текшируви учун **ПЗР-тести** кўлланилади. Лаборатория текширувлари учун бурун-халқум ва/ёки оғиз-халқумдан олинган суртма асосий биоматериал ҳисобланади. Текширув учун кўшимча биоматериал сифатида фибробронхоскопия (бронхоалвеоляр ювинди лаваж суюқлиги), (эндо)тракеал, назофарингеал суюқликлари, балғам, яхлит қон, зардоб, сийдик ва нажас кабилар фойдаланиши мумкин. Ташхисни тасдиқлаш учун тақрорий тестлар ўтказилиши мумкин.

COVID-19 инфекцияни ташхислашда, имкон қадар, вируслар, пневмония келтириб чиқарадиган бактериялар, хламидиялар, микоплазмалар (*Mycoplasma pneumoniae*) каби респиратор инфекцияларни истисно қилиш лозим. Пневмония ва сепсисни келтириб чиқарадиган бактерияларни аниқлаш учун биоматериал (қон) олишни антибактериал даво бошланишидан олдин амалга ошириш керак.

ПЕРИНАТАЛ ЁРДАМ КЎРСАТУВЧИ БАРЧА ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ УЧУН УМУМИЙ ТАВСИЯЛАР

Перинатал даврда тиббий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган тиббиёт муассасалари учун умумий тавсиялар

- Ҳомиладор, тугруқдаги ва туққан аёллар парвариши тиббий ёрдам кўрсатишнинг асосий турларига киради ва тиббий ёрдам кўрсатишнинг бошқа турлари билан биргаликда амалга оширилиши керак.
- Ҳомиладор аёлларга, ўз-ўзини изоляция қилиш, узоқ муддатли йўтал ва тана ҳароратининг кўтарилиши каби аломатларга эга бўлган bemорлар билан мулоқотда бўлганлар орасига тушиб қолган

ҳолатларидан ташқари, мунтазам равишда антенатал ташрифга келиш тавсия этилади [2].

- Шошилинч ҳолатлардан ташқари, антенатал маслаҳатлашувларни биринчи навбатда масофавий алоқа (телефон, видео алоқа ва ҳ.к.) орқали ўтказиш тавсия этилади ва муаммоларни масофадан ҳал этишнинг иложи бўлмаса, аёлга антенатал ташрифга келиш тавсия этилади.
- Ҳомиладор, туғруқдаги ва туққан аёллар парваришини таъминлаш тиббий ёрдамнинг асосий турларидан бири эканлиги клиник тажрибада кўп маротаба тасдиқланган. Агар аёлларга тиббий ёрдам кўрсатилмаса, оналар ўлими, ўлик туғилиш ва бошқа акушерлик асоратлари хавфи кескин ортади [10, 18].
- Шифокорларга иложи борича тезроқ Интернет, видеоалоқа ва бошқа алоқа воситалари орқали масофавий тиббий маслаҳатлашувлар ўтказиш имкониятини ташкил қилиш тавсия этилади. Шунингдек, қайси тоифадаги bemorларга масофадан тиббий маслаҳатлашувлар ўтказиш мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилиниши керак.
- Аёлларни мустақил равишда масофадан коронавирус инфекциясига текшириш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайти <http://coronavirus.uz>, шунингдек @checkCoronavirusBot Telegram ботидан фойдаланиш тавсия этилади.
- Тиббий ҳужжатларни олиб боришни давом эттириш лозим.
- Тиббиёт ходимлари туғруқдан олдинги мунтазам ташрифларни ўтказиб юборган аёлларнинг телефон рақамларини билишлари лозим. Ўз навбатида, bemorлар ўзларини изоляцияда сақлаганликлари тўғрисида шифокорларни хабардор қилишлари керак. Шифокорлар ҳар бир ҳолатда антенатал ташрифнинг шошилинчлигини баҳолашлари ва агар тиббий ҳолат жиддий бўлмаса, bemorларга масофадан тиббий маслаҳатлашувлар ўтказишлари керак.
- Аёлларда клиник аломатлар кузатилиши давом этганда (доимий йўтал бундан мустасно), антенатал ташриф 7 кунгача кечикирилиши мумкин.
- COVID-19 инфекцияси билан касалланган ёки ушбу касалликнинг мумкин бўлган аломатлари кузатилган bemorлар билан мулоқотда бўлган аёлларнинг антенатал ташрифи 14 кунгача кечикирилиши мумкин.
- Тиббиёт ходимларида режали ташрифларни ўтказиб юборган аёлларнинг рўйхати бўлиши керак. Айниқса 3 ёки ундан кўп ҳафта

давомида режали ташрифни ўтказиб юборган аёлларга нисбатан хушёрроқ бўлиш керак.

- Аҳолининг заиф қатламидан бўлган ҳомиладор аёллар пандемия даврида акушер-гинекологларнинг тиббий ёрдамига кўпроқ муҳтож бўладилар.

Туғруқ вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича умумий тавсиялар

- Туғруқ вақтида хавфсиз тамойилларга мувофиқ тиббий ёрдам кўрсатиш ва кам сонли тиббиёт ходимлари жалб қилиниши, аммо кўрсатмалар бўлганда, шошилинч акушерлик, анестезиологик ва неонатал тиббий ёрдам амалга оширилиши керак.
- Туғруқ вақтида ҳамроҳлик, зоро бу нормал шароитларда маъқулланса ҳам, эпидемиологик вазиятни ҳисобга олган ҳолда, чекланиши керак (ушбу кўрсатма маҳаллий шароитга (Ўзбекистонга) мослаштирилган). Ҳомиладорлик патологияси ва туқсан аёллар бўлимларига ҳам ташрифлар чекланиши лозим. Ҳомиладор аёлларга оила аъзолари ва яқинлари билан алоқада бўлиш учун турли хил видеоалоқа воситалардан фойдаланиш тавсияси берилади.
- Тиббиёт ходимлари томонидан ҳомиладор аёлларга чекишини ташлаш тавсия қилиниши керак. Акушерлик асоратлари хавфининг ортишидан ташқари, тамаки чекиши, COVID-19 инфекцияси ривожланиши ва натижасининг ёмонлашиши билан боғлиқ бўлиш эҳтимоли катта. Ҳомиладор аёллар имкон қадар тезроқ чекишини ташлашлари керак [11].

COVID-19 инфекцияга гумон қилинаётган аёлни касалхонага қабул қилиш бўйича умумий тавсиялар

Қўйидаги тавсиялар ҳомиладорликнинг иккинчи ва учинчи триместридаги аёлларга тиббий ёрдам кўрсатишда қўлланилади. Ҳомиладорликнинг биринчи триместридаги аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш, инфекцияни олдини олиш чоралари ва кўриб чиқилаётган юқумли касалликка ташхис қўйиши ўз ичига олиши керак.

COVID-19 инфекцияга гумон қилинаётган ёки тасдиқланган аёлни касалхонага қабул қилишда барча тиббиёт муассасаларида қўйидаги тавсиялардан фойдаланиш мумкин:

- COVID-19 инфекцияга гумон қилинаётган барча аёллар, клиник аломатларидан қатъий назар, тиббиёт муассасаларига тез тиббий ёрдам машинасида етказилиши керак.
- Соғлиқни сақлаш тизимининг зўриқиши кузатилганда, фақат касалликнинг клиник аломатлари оғир бўлган аёллар тез тиббий ёрдам машинасида тиббиёт муассасаларига етказилиши керак.

- Шошилинч тиббий ёрдам тизимининг зўриқиши кузатилганда, бошқа маҳсус транспорт воситаларидан фойдаланиш мумкин.
- Туғруқхона ходимлари COVID-19 инфекцияси билан касалланган бемор олиб келиниши тўғрисида огоҳлантирилиши керак.
- Тиббиёт ходимлари миллий кўрсатмаларга мувофиқ шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланишлари керак.
- Аёл қабул қилинганидан сўнг, имкон қадар, касалхонада беморнинг бутун госпитализация даври мобайнида даволаниши учун барча шароитлар яратилган изоляция хонасига жойлаштирилади.
- Идеал ҳолатда, изоляция хонасида тиббиёт ходимлари шахсий ҳимоя воситаларини алмаштириши/кыйиши учун тамбур бўлиши керак. Изоляция хонаси ҳожатхона ва душ билан ҳам таъминланган бўлиши керак.
- Изоляция хонасига фақат асосий тиббиёт ходимлари кириши керак. Тащифлар чекланиши керак.
- Изоляция хонасида ортиқча буюмлар ва нарсалар бўлмаслиги керак.
- Барча изоляция хоналари миллий тавсияларга мувофиқ дезинфекцияланади.
- Инфекция тарқалишининг олдини олиш усуллари ва қоидалари ҳақида батафсил маълумотни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган COVID-19 инфекцияси бўйича Миллий қўлланмада топиш мумкин (март, 2020).
- COVID-19 билан касалланган беморлар билан мулоқотда бўлган ва уларга ёрдам кўрсатган тиббиёт ходимлари, шу жумладан техник хизмати ва таъминот хизмати ходимлари, SARS-CoV-2 инфекциясига текширилиши керак. Текширув натижалари манфий бўлганда оддий ҳаётга қайтиш мумкин бўлади.
- Текширув ўтказилганидан сўнг тиббиёт ходимлари 14 кунлик реабилитация ва кузатув даврини ўташ учун тиббиёт ёки санаторий типидаги муассасага жойлаштирилади. Соғлиқни сақлаш тизимининг зўриқиши кузатилганда, реабилитация ва кузатув даврини уйда “ўзини яккалаш” тарзида ўташ керак бўлади.

COVID-19 ИНФЕКЦИЯСИ ТАСДИҚЛАНМАГАН, АММО ИНФЕКЦИЯ ЭҲТИМОЛИНИ КЎРСАТУВЧИ КЛИНИК АЛОМАТЛАРИГА ЭГА ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАР

Касалхонага кириш жойида инфекция ҳолатларини тез аниқлашга мўлжалланган тизим ташкил этилган бўлиниши керак. Бу тизим ташриф буюрувчилар билан биринчи мулоқот жойида (эшик олди ёки регистратурада) ташкил этилади. Инфекция борлигини дастлабки аниқлаш аёл

қабулхонада/регистратурада жой олишидан олдин (масалан, стулга ўтиришдан олдин) амалга оширилиши керак.

Шубҳали ҳолатлар, юқтириш ҳолатларини аниқлаш ЎзР ССВ томонидан ишлаб чиқилган COVID-19 инфекцияси бўйича Миллий қўлланмага мувофиқ амалга оширилиши керак (март, 2020).

Салбий текширув натижаларни олгунга қадар, COVID-19 инфекцияси билан касалланган bemорга каби муносабат билдириш керак хамда барча эҳтиёт чораларини кўриш лозим!

Кўпинча ҳомиладор аёллар ўзларининг ҳолати билан бевосита боғлиқ муаммолар билан касалхонага мурожаат қиласидилар, аммо bemорнинг акушерлик ҳолати юқумли касалликнинг клиник аломатлари билан ҳам мос келиши мумкин. Масалан, қоғоноқ пардасининг туғруқдан олдин ёрилиши кузатилган ҳомиладор аёлда тана ҳароратининг кўтарилиши.

Бундай шубҳали ҳолатларда тиббиёт ходимлари бошқа мутахассислардан қўшимча маслаҳат олишлари керак, маслаҳатлашувгача шошилинч ҳолат юзага келганда, bemорни текширувдан ўтказишлари ва COVID-19 инфекцияси билан касалланган bemор сифатида олиб боришлари керак. COVID-19 инфекцияга гумон қилиниши акушерлик кўрсатмаларга кўра одатда олиб бориладиган тиббий тадбир ва муолажаларни кечикирилиши учун сабаб бўлмаслиги керак (масалан, қоғоноқ пардасининг туғруқдан олдин ёрилиши кузатилганда антибактериал давони бошлаш).

Тиббиёт муассасаларига COVID-19 инфекцияга гумон қилинаётган ёки тасдиқланган аёл қабул қилинганда, ходимлар инфекцияларнинг олдини олиш ва назорат қилиш бўйича миллий тавсияларга риоя қилишлари керак (ЎзР ССВ томонидан ишлаб чиқилган COVID-19 инфекцияси бўйича Миллий қўлланма, март, 2020). Биринчи навбатда, аёл изоляция хонасига жойлаштирилади, тиббиёт ходимлари шахсий ҳимоя воситаларни киядилар. Ушбу жихат бироз вақт талаб этиши, ҳомиладор аёл ва тиббиёт ходимларининг стресс ҳолатига тушиб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Инфекцияни олдини олиш бўйича чоралар кўрилиши билан bemорга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш устувор бўлиб қолиши керак. COVID-19 инфекцияга текширувни ўтказиш шошилинч акушерлик ёрдам кўрсатишни кечикирилишига сабаб бўлмаслиги керак.

Салбий текширув натижалари олингунга қадар, барча ҳомиладор аёллар COVID-19 инфекцияси билан касалланган bemор сифатида олиб борилади.

COVID-19 инфекцияга гумон қилинаётган ёки тасдиқланган ҳомиладор аёл учун режали антенатал ташриф

Тиббиёт муассасаларида, имкон қадар, юқори даражадаги тиббиёт муассасалари кураторлари, минтақавий маслаҳатчилар, кафедра вакиллари,

тегишли мутахассисларнинг маслаҳатлари билан масофавий тиббий маслаҳатлашувлар ўтказилиши ташкил этиш керак.

Соглиқни сақлаши тизимининг зўриқиши ва аёлни маҳсус тиббиёт муассасаларига ётқизилиши имкони бўлмаган ҳолатларда:

COVID-19 инфекцияга гумон қилинаётган/тасдиқланган ҳомиладор аёллар учун мунтазам равишда ўтказиладиган режали ташрифлар карантин/ўз-ўзини изоляция қилиш даври тугагунча кечиктирилиши керак.

Агар аёлнинг тиббиёт муассасаларига келиши зарур бўлса, унинг ташрифи иш кунининг охирига режалаштирилиши керак.

Ташрифдан сўнг ултратовуш текшириш ускуналари ва бошқа жихозлар миллий тавсияларга мувофиқ дезинфекцияланиши керак.

Шошилинч ҳолат юзага келганда COVID-19 инфекцияга гумон қилинаётган ёки тасдиқланган аёл учун антенатал ташриф

COVID-19 инфекцияга гумон қилинаётган ёки тасдиқланган аёл ҳомиладорликнинг эрта муддатларида шошилинч ҳолат юзага келиши сабабли тиббиёт муассасаларига мурожаат қилганда, уни изоляция хонасига жойлаштириш чоралари кўрилиши ва тиббиёт ходимлари шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланишлари керак (ЎзР ССВ томонидан ишлаб чиқилган COVID-19 инфекцияси бўйича Миллий қўлланмасини кўринг, март, 2020).

Шундан сўнг, бундай аёлларга тиббий ва акушерлик ёрдам кўрсатиш тегишли патологияни даволаш бўйича одатий тавсияларга мувофиқ амалга оширилади.

Аёlda тиббиёт муассасаларига қабул қилинган/мурожаат қилганидан сўнг COVID-19 инфекцияси клиник аломатлари аниқланган ҳолатлар

Касалликнинг яришин даврини ҳисобга олган ҳолда, инфекцияланган бемор касалликнинг асимптоматик босқичида қабул қилиниши мумкин, COVID-19 инфекцияси клиник аломатлари эса қабул қилинганидан сўнг ривожланади.

Тиббиёт ходимлари бундай ҳолатлар юзага келиши мумкинлиги хақида хабардор қилинган бўлишлари керак, айниқса доимий равишда гемодинамик кузатув олиб борадиган ходимлар (масалан, бўлим ҳамшираси).

Агар аёlda тиббиёт муассасаларига қабул қилинган/мурожаат қилганидан сўнг нафас олиш тизими томонидан клиник аломатлар ёки тана ҳароратининг тўсатдан 37.8°C дан юқори қўтарилиши кузатилса, тиббиёт ходимлари миллий кўрсатмаларга мувофиқ беморни изоляция қилиш ва инфекция тарқалишини назорат қилиш чораларини амалга оширишлари керак.

COVID-19 ИНФЕКЦИЯГА ГУМОН ҚИЛИНАЁТГАН ЁКИ ТАСДИҚЛАНГАН АЁЛЛАРГА ТУҒРУҚДА ТИББИЙ ЁРДАМ КҮРСАТИШ

Туғруққа қабул қилиш

COVID-19 инфекцияга гумон қилинаётган/тасдиқланган барча туғруқдаги аёллар ҮзР ССВ томонидан белгиланган **максус туғруқ муассасалариға** ётқизилади. Тиббиёт ходимлари шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланишлари керак.

Соғлиқни сақлаш тизимининг зўриқиши кузатилганда:

Барча аёлларга, агар ўз-ўзини изоляция қилиш қарори қабул қилинса, туғруқ бошланиши ҳақида саволлар ёки хавотирлар пайдо бўлганида, туғруқхонага телефон орқали мурожаат қилиш тавсия этилади.

Асоратлари ва хавф белгилари бўлмаган нормал кечеётган ҳомиладорлик ҳолатида, туғруқхонага тез етиб бориш имкони бўлса (транспорт мавжудлиги, яқин масофа), аёл тиббиёт ходимлари билан доимий алоқада бўлган ҳолда, туғруқнинг I даврининг латент фазасини индивидуал равишда уйда ўтказиши мумкин.

COVID-19 инфекцияга гумон қилинаётган/тасдиқланган барча аёллар, клиник аломатларидан қатъий назар, туғруқхонага тез тиббий ёрдам машинасида етказилиши керак (ЎзР ССВ томонидан ишлаб чиқилган COVID-19 инфекцияси бўйича Миллий қўлланмасига бўйича, март, 2020).

Соғлиқни сақлаш тизимининг зўриқиши кузатилганда, аёллар бошқа транспорт воситаларда туғруқхонага боришлари мумкин, фақат клиник аломатлари оғир бўлган аёлларни тез тиббий ёрдам машинасида олиб бориш керак.

Уй шароитида туғруқ содир бўлиши хавфли ҳисобланади!

COVID-19 инфекцияга гумон қилинаётган ёки тасдиқланган аёллар туғруқхонага қабул қилинганда, оддий туғруқдаги аёлга тиббий ёрдам кўрсатилгандаги каби барча чоралар кўрилиши керак.

Аёл изоляция хонасига жойлаштирилгандан сўнг, аёл ва ҳомила ҳолати кузатувларини қўйидагича олиб бориш керак:

- COVID-19 инфекцияси аломатларининг оғирлигини баҳолаш. Ушбу мақсад учун инфекционистлар ва бошқа мутахассислардан иборат мультидисциплинар жамоа жалб қилиниши зарур.

- Аёлнинг ҳолатини баҳолаш, шу жумладан тана ҳароратини, нафас олишини ва қоннинг кислородга тўйиниш даражасини (сатурация) ўлчаш.
- Туғруқ бошланишини тасдиқлаш ва стандарт тавсияларга мувофиқ туғруқ фаолиятини баҳолаш.
- Имкон қадар, ҳомиланинг доимий электрон кузатувини олиб бориш (КТГ).
- XXРдаги чоп этилган айрим ҳолатлар ҳақидаги клиник маълумотларда COVID-19 инфекцияси билан касалланган 18 аёлдан 8 нафарида (бир аёлда икки ҳомилали ҳомиладорлик бўлган) туғруқ даврида ҳомилада дистресс ҳолати қайд этилган. Мавжуд маълумотларга кўра, ушбу асоратнинг хавфи катта эканлиги сабабли, туғруқ даврида COVID-19 инфекцияси билан касалланган барча аёлларда ҳомиланинг доимий электрон кузатувини олиб бориш тавсия этилади.
- Сепсис клиник аломатлари кузатилганда, сабаблардан бири сифатида COVID-19 инфекцияси мавжудлигини ҳисобга олиб, ҳомиладор аёлларга мавжуд бўлган тавсиялар асосида тиббий ёрдам кўрсатилиши керак.
- Туғруқ бошланиши тасдиқланган ҳолда, туғувчи аёлни кузатиш ва туғруқни олиб бориш, идеал ҳолатда, айни изоляция хонасида давом этиши керак.

Туғруқ вактида тиббий ёрдам кўрсатиш

Ҳомиладор аёлда COVID-19 инфекцияси мавжудлиги ҳомиладорликни тўхтатиш учун мутлок кўрсатма бўла олмайди, аммо ҳар бир алоҳида ҳолатда туғруқни тезлаштириш масаласи кўриб чиқилиши керак. Кўриб чиқилиши керак бўлган жиҳатлар аёлдаги касалликнинг кечиши, ҳомиладорлик муддати ва ҳомила ҳолатини ўз ичига олади. Аёлнинг умумий аҳволи бунга имкон берса, ҳомиладорлик муддати асосий кўрсаткич бўлиб қолиши керак.

Тиббиёт ходимлари шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланишлари керак.

Туғдириш муддатини танлашда қуидаги тамойилларга асосланиш керак:

- Агар ҳомиладор аёлни муддатидан олдин туғдиришга кўрсатмалар мавжуд бўлса, масалан, йўлдошнинг олдинда жойлашиши, преэклампсия, ҳомиланинг нотўғри жойлашиши кузатилса, туғдириш муддати акушерлик кўрсатмалардан келиб чиқсан ҳолда танланиши керак.

- Агар ҳомиладор аёлда COVID-19 инфекцияси кечиши ижобий бўлмаса, акушерлик кўрсатмалари мавжуд бўлмаган ҳолда ҳам, ҳомиладорликни тўхтатиш масаласини кўриб чиқиш керак.
- Агар COVID-19 инфекцияси мавжуд бўлган ҳомиладор аёлнинг аҳволи оғир ёки ўта оғир деб баҳоланадиган бўлса, диагностик мезонларга мувофиқ, ҳаётий кўрсатмаларга кўра, ҳомиладорлик муддатига қарамай туғдиришни амалга ошириш керак.
- Операция ва операциядан кейинги асоратларни камайтириш учун кесарча кесиш амалиётини тажрибали жарроҳ ўтказиши керак, бунда ишончли гемостаз ҳолатига эришишга алоҳида эътибор берилиши лозим.
- Эпидемия пайтида соғлиқни сақлаш тизимининг зўриқиши кузатилганда, ҳомиладорлик муддатининг 32-34 ҳафтасидан сўнг туғдириш, bemorlarни кейинги даволанишлари ва хавфсизлиги учун, баъзи ҳолатларда, афзалликларга эга бўлиши мумкин.
- Эпидемия пайтида кесарча кесиш амалиёти учун кўрсатмалар янада мослашувчан ва кенгайиши мумкин. Хусусан, туғруқнинг биринчи даври чўзилиб кетиши кузатилган аёлларда жарроҳлик йўли билан туғдиришдан кўпроқ фойдаланиш керак.

Табиий ёки индукция қилинган туғруқ бошланганда қуийдаги тавсиялар тақдим этилади:

- Туғруқ бошланган аёлда COVID-19 инфекция гумон қилинаётган/тасдиқланган бўлса, мультидисциплинар жамоанинг қуийдаги малакали аъзолари: акушер-гинеколог, анестезиолог, акушерка (доя), неонатолог, чақалоқлар бўлими ҳамшираси ва инфекционистлар хабардор қилиниши керак.
- Туғруқдаги аёлга тиббий ёрдам кўрсатишда кам сонли тиббиёт ходимлари жалб қилиниши керак. Жамоа таркибига кирмайдиган ходимлар bemorga тиббий ёрдам кўрсатишга жалб қилинмаслиги керак. Шу билан бирга, шошилинч ҳолат юзага келганда жалб қилинадиган тиббиёт ходимларининг рўйхати тузилиши керак.
- Туғруқдаги аёлни назорат қилиш — стандарт текширувлар тўпламини ўтказиш ва баҳолаш, шунингдек, қоннинг кислородга тўйиниш даражасини (сатурация) соатлик баҳолашдан иборат.
- Туғруқдаги аёл учун қоннинг кислородга тўйиниш даражасининг (сатурация) мақсадли кўрсаткичи $\geq 94\%$ ни ташкил этади. Зарурат туғилганда, bemorga кислород етказиб бериш мақсадга мувофиқ таъминланиши керак.
- Коронавирус инфекциясида эпидурал ёки спинал оғриқсизлантиришга қарши кўрсатмалар мавжудлиги тўғрисида

далиллар келтирилмаган. Умумий оғриқсизлантириш қўллашни камайтириш мақсадида, COVID-19 инфекцияси мавжуд бўлган туғруқдаги аёлларда шошилинч туғдиришга зарурат туғилганда, эпидурал оғриқсизлантиришни қўллаш тавсия этилади.

- Туғруқнинг иккинчи даврини тезлаштириш тўғрисидаги қарор (инструментал туғруқ), туғруқдаги аёлнинг клиник аломатлари, нафас қисиш кузатилиши, қоннинг кислородга тўйиниш даражасининг (сатурация) пасайиб кетишига қараб, индивидуал равища қабул қилиниши керак.
- Коронавирус инфекциясида киндик кесиши тезлаштириш кераклиги тўғрисида далиллар келтирилмаган. Шу муносабат билан ушбу муолажани амалдаги стандартларга мувофиқ амалга ошириш керак.
- Хитойлик мутахассислар томонидан тақдим этилган маълумотларда туғруқ вақтида ҳомилада дистресс ҳолати ривожланиши эҳтимоли мавжудлиги келтирилган. Шуни ҳисобга олиб, ҳомиланинг доимий электрон кузатувини олиб бориш тавсия этилади [7, 25].

Режали кесар кесиши ва режали туғруқ индукцияси

- COVID-19 инфекцияга гумон қилинаётган/тасдиқланган аёл мурожаат қилганда/қабул қилинганда, унда режали кесарча кесиши амалиётини ўтказиш учун, туғруқдан кейинги даврда бошқа ҳомиладор аёлларга, тиббиёт ходимларига ва янги туғилган чақалоққа инфекцияни юқтириш хавфини минималлаштириш учун, туғдириш муддатини кечикитириш имконини индивидуал равища баҳолаш керак.
- Кесар кесиши амалиётини ўтказиш муддатини кечикитириш имкони бўлмаган ҳолатда, COVID-19 инфекцияга гумон қилинаётган/тасдиқланган аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш тавсияларига риоя қилиш керак.
- Кесар кесиши амалиёти пайтида акушерларнинг ҳаракатлари одатда ўтказиладиган амалиётдан фарқ қилмайди.
- Режали туғруқ индукцияси ҳолатларида ҳам, туғруқдан кейинги даврда бошқа ҳомиладор аёлларга, тиббиёт ходимларига ва янги туғилган чақалоққа инфекцияни юқтириш хавфини минималлаштириш учун, туғруқ индукцияси муддатини кечикитириш имконини индивидуал равища баҳолаш керак.
- Туғруқ индукцияси бажарилган аёллар бутун госпитализация даври мобайнида изоляция хонасида қолишлари керак.

ХОЛАТЛАРИ ЎРТА ЁКИ ОФИР ДАРАЖАДАГИ COVID-19 ИНФЕКЦИЯСИ БЎЛГАН АЁЛЛАРГА ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЖИҲАТЛАРИ

Агар ҳомиладор аёл COVID-19 инфекцияси аломатларининг оғир кўринишлари билан касалхонага қабул қилинса, келтирилган кўрсатмаларга амал қилиниши керак.

Акушер-гинеколог, инфекционист, анестезиолог, доя мутахассислардан иборат малакали мультидисциплинар жамоа bemorни олиб бориша жалб қилиниши керак. Жамоада муҳокама қилинган олиб бориш режаси bemorга тақдим этилиши керак.

Биринчи навбатда, қуйидаги ҳолатларни муҳокама қилиш керак:

- Аёлга тиббий ёрдам кўрсатишнинг асосий устуворликлари.
- Беморга қайси бўлимда тиббий ёрдам кўрсатиш (жонлантириш бўлими, изоляция хонаси, инфекцион бўлими ва ҳ.к.).
- Ҳомиланинг ҳолати.

Стандарт терапевтик усуллардан фойдаланган ҳолда, bemorning аҳволини барқарорлаштириш, тиббий ёрдам кўрсатишда устувор бўлиши керак!

Ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам кўрсатишда қуйидаги чоралар кўрилиши керак:

- Барча ҳаётий муҳим кўрсаткичларни ҳар соатда мониторинг қилиш (гемодинамик мониторинг).
- Қоннинг кислородга тўйиниш даражаси (сатурация) $\geq 94\%$ бўлишини таъминлаш.
- Нафас олиш сонини ҳар соатда мониторинг қилиш ва ушбу кўрсаткичнинг динамикасини назорат қилиш.
- Ёш аёллар бир неча вақт ўтгунига қадар, респиратор функция бузилишларини компенсация қилишлари мумкин, шундан сўнг тўсатдан декомпенсация ҳолати юзага келади. Шу муносабат билан, қоннинг кислородга тўйиниш даражаси (сатурация) пасаймасдан нафас олиш сонининг бир оз кўпайиши ҳам нафас олиш функциясининг ёмонлашишини кўрсатиши мумкин. Ушбу белги кислород таъминотини созлаш зарурлигини кўрсатади.
- Ҳомиладор бўлмаган аёлга ҳам рентгенография текширувлари, шу жумладан кўкрак қафаси аъзоларининг рентгенографияси ёки компьютер томографиясини ўтказиш керак.

- Кўкрак қафаси аъзоларининг нурли текшириш усуллари, хусусан, компьютер томографияси COVID-19 инфекцияси билан касалланган bemornинг аҳволини баҳолашда муҳим ҳисобланади. КТ кўрсатмалар пайдо бўлиши биланоқ, ҳомиладорликнинг муддатидан қатъий назар, дархол амалга оширилиши керак [4, 13, 24]. Ҳомилани ҳимоя қилиш учун аёлнинг қорнида жойлаштириладиган маҳсус ҳимоя фартукларидан фойдаланиш мумкин.

Дифференциал диагностика учун қўшимча текширувлар ўтказилиши мумкин:

- **Лаборатор:**
 - умумий (клиник) қон таҳлили;
 - биокимёвий қон таҳлили (мочевина, креатинин, электролитлар, жигар ферментлари, билирубин, глюкоза, альбумин);
 - қон зардобидаги С-реактив оқсил даражаси текшируви;
 - протромбин вақт, халқаро меъёрлаштирилган нисбат (МНО), фаоллаштирилган қисман тромбопластин вақти билан коагулограмма кўрсаткичларини аниқлаш.
- **Инструментал:**
 - пульсоксиметрия
 - электрокардиография (ЭКГ);
 - кўкрак қафаси органлари рентгенографияси
 - имкон қадар, ўпка артериялари КТ ангиографияси.

Беморда тана ҳароратининг ҳар қандай кўтарилиши COVID-19 инфекцияси мавжудлиги билан боғлиқ деб тахмин қилинмаслиги керак. Шунингдек, септик ҳолати мавжудлигига текширувлар ўтказилиши керак.

Лейкоцитлар миқдорининг ортиши кузатилганда, бактериал инфекцияга текширувлар ўтказилиши керак (COVID-19 инфекциясида лимфоцитлар миқдори нормада ёки пасайган бўлади).

Инфузион даволашни эҳтиёткорлик билан ўтказиш лозим. 250-500 мл бошланғич болюс инфузиялар юборилганидан сўнг, ортиқча юкланиш белгилари мавжудлигини баҳолаш керак, сўнгра қўшимча инфузиялар юборишни давом эттириш керак [1].

Ҳомиладорлик муддати ва аёлнинг аҳволини ҳисобга олган ҳолда, ҳомиланинг ҳолатини кузатиш частотаси ва эҳтиёжини индивидуал равишда кўриб чиқиш керак. Агар ҳомила томонидан кўрсатмаларга мувофиқ шошилинч туғдириш зарурияти келиб чиқса, аёлнинг умумий аҳволи бунга имкон берса, туғруқ амалдаги стандартларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

Зарур ҳолларда, туғдиришдан олдин, аёлнинг умумий аҳволини барқарорлаштиришга эришиш лозим, бу бошқа акушерлик ҳолатларда, масалан, оғир преэклампсия ҳолатларида бўлгани каби, устувор ҳисобланади.

Муддатидан олдин туғдириш аёлнинг интенсив даволанишини енгиллаштиришга қаратилган тадбир эканлигини ёки туғдириш ҳомила кўрсатмаларига қўра амалга оширилаётганлигини мультидисциплинар жамоа жалб қилинган ҳолда ва индивидуал равишда кўриб чиқиш керак. Қуйидаги жиҳатлар индивидуал равишда кўриб чиқилади: аёлнинг умумий аҳволи, ҳомиланинг ҳолати, туғдиришдан сўнг аёлнинг умумий аҳволини яхшилаш мумкин бўлган имкониятлар, ҳомиладорлик муддати. **Устуворлик доимо аёлнинг умумий аҳволига қаратилган бўлиши керак.**

Ҳомилада респиратор дистресс синдромини олдини олиш учун аёлларга буюриладиган кортикостероидлар COVID-19 инфекциясини кучайтириш мумкинлиги тўғрисида ҳеч қандай далиллар келтирилмаган. Глюокортикоидлар амалдаги акушерлик стандартларига мувофиқ буюрилиши керак. Глюокортикоидларни буюриш, шошилинч туғдиришни кечиктириш учун сабаб бўлмаслиги керак.

Баъзи маълумотларга қўра, COVID-19 инфекцияси мавжуд бўлган баъзи bemорларнинг умумий аҳволи дастлабки яхшиланганидан сўнг кескин оғирлашгани кузатилган. Шу муносабат билан, умумий аҳволи яхшиланганидан сўнг, аёл 24-48 соатлик кузатувда бўлиши керак. Уйга чиқариш пайтида, аёлга, умумий аҳволи оғирлашиши кузатилганда, касалхонага қайтиб келиши кераклиги ҳақида хабар бериш керак.

COVID-19 инфекцияси мавжуд бўлган аёлларда интенсив давони ўтказиш бўйича тавсиялар ЖССТнинг “COVID-19 коронавирус инфекциясига гумон қилинаётган ҳолларда ўткир респираторли инфекцияни клиник даволаш” тавсияларида келтирилган.

ТУҒРУҚДАН КЕЙИНГИ ТИББИЙ ЁРДАМ ВА ЧАҚАЛОҚЛАРНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ

Туғруқдан кейинги даврни олиб бориш bemорнинг умумий аҳволига боғлиқ бўлиши керак.

Чақалоқларни мунтазам равишда изоляция қилиш тавсия этилмайди. Аммо, оиланинг қадриятларига қараб, баъзи ҳолларда, онани изоляция қилиш эҳтиёт чоралари олиб ташланмагунча, болани чақалоқлар бўлимига ўтказиш мумкин.

Маълумки, барча янги туғилган чақалоқлар нафас олиш йўллари касалликларини келтириб чиқарадиган вирусларни тарқатишлари мумкин. Шунинг учун, янги туғилган чақалоқда COVID-19 инфекцияси тасдиқланганда, инфекция тарқалишини тўлиқ назорат қилиш керак.

Аёллар чақалоқларни парваришилашда ниқобдан фойдаланишлари ва уни ишлатишдан олдин қўлларини яхшилаб ювишлари шарт.

Кўкрак сути билан эмизишга қарор қилган аёлларга, қўлларини тўғри ювивиб ва ниқоб тақилгандан кейин, эмизишга рухсат берилиши керак. Кўкрак сути орқали онадан чақалоққа антитаначалар ўтиш эҳтимоли мавжуд.

Туғруқ залида янги туғилган чақалоқларга тиббий ёрдам кўрсатиш

COVID-19 инфекцияга гумон қилинаётган ёки тасдиқланган аёлнинг туғруқ вақтида мультидисциплинар жамоанинг аъзоси бўлган алоҳида неонатолог иштирок этиши (бўлиши) лозим.

Агар янги туғилган чақалоққа реанимация ёрдами зарур бўлса, тиббиёт ходимларга нисбатан хавфни камайтириш учун барча тадбирларни алоҳида хонада ўтказиш масаласини кўриб чиқиш мумкин.

Респиратор қўллаб-қувватлаш

Атроф-муҳитга томчилар тушиши хавфи бор ва тиббиёт ходимлари шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланишини талаб қиласидиган тадбир ва муаложалар: интубация қилиш; СРАР; юқори оқим усувлари.

Респиратор қўллаб-қувватлашга муҳтоҷ янги туғилган чақалоқларни парвариш қилиш жараёни, имкон қадар, кувезда амалга оширилиши керак.

Янги туғилган чақалоқларни COVID-19 инфекциясига текшириш

Янги туғилган чақалоқни COVID-19 инфекциясига биринчи текшируви туғилгандан сўнг 12-24 соат ўтгач амалга оширилади (эртароқ муддатдаги текширув натижаси сохта бўлиш эҳтимоли юқори) [28].

Натижаларни тасдиқлаш учун **такрорий тест** 24 соатдан кейин амалга оширилади.

Текширув учун биоматериал сифатида бурун-халқум ёки оғиз-халқумдан суртма олинади.

Кейинги тестларни ўтказиш кўрсатмаларга кўра амалга оширилади (масалан, онанинг соғайиш пайтида янги туғилган чақалоқнинг аҳволи оғирлашиши, инфекционистларнинг тавсиялари ва бошқ.). COVID-19 инфекцияга гумон қилинаётган/тасдиқланган оналардан туғилган чақалоқларни олиб бориш алгоритми 4-иловада келтирилган.

Кетма-кет икки марта манфий натижа олинганлиги соғайишнинг асосий мезони ҳисобланади.

Янги туғилган чақалоқларни чақалоқлар патология бўлимига ўтказиш

Онада COVID-19 инфекцияси мавжудлиги янги туғилган чақалоқларни чақалоқлар патология бўлимига ўтказиш учун кўрсатма деб ҳисобланмайди.

Янги туғилган чақалоқнинг ҳолатини клиник баҳолаш амалдаги стандартларга мувофиқ амалга ошириш керак.

Боланинг умумий аҳволи имкон берса, она ва янги туғилган чақалоқнинг биргаликда бўлиш масаласини кўриб чиқиш керак.

Янги туғилган чақалоқни чақалоқлар патология бўлимига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилаётганда, янги туғилган чақалоқларни олиб бориш бўйича одатий мезонлар ва амалдаги стандартларга мувофиқ амалга ошириш керак.

Янги туғилган чақалоқларнинг умумий аҳволини баҳолаш

Янги туғилган чақалоқда септик ҳолатнинг ривожланишига нисбатан юқори даражада сергак бўлишни талаб қилинади.

Тиббиёт муассасасидан чиқарилганда, аёлни тиббий ёрдам ва касалхонага қайта келишни талаб қиласиган белгилар ҳақида хабардор қилиш керак.

Кўп учрайдиган белгилар орасида респиратор инфекция аломатлари кузатилиши кўрсатилиши мумкин.

Одатий равишда режалаштирилган тадбирлар ва муолажалар (масалан, эшитишни текшириш) кечиктирилиши мумкин.

Кўкрак сути билан эмизиш

Янги туғилган чақалоқларда COVID-19 инфекцияси ҳолатлари нисбатан кам қайд этилган, барча ҳолатлар енгил шаклда кечган. Шунингдек, она сутининг намуналарида, биринчи лактация давридан кейин, SARS-CoV-2 инфекцияси мавжудлиги ҳам манфий бўлган.

COVID-19 инфекцияга гумон қилинаётган, эҳтимоли юқори ёки тасдиқланган оналардан туғилган чақалоқлар, инфекция юқишининг олдини олиш учун зарур чораларни кўриб, овқатлантириш бўйича стандарт тавсияларга мувофиқ озиқланишлари керак.

Аёлларда ва/ёки уларнинг болаларида COVID-19 инфекцияси гумон қилинаётган/тасдиқланган бўлишидан қатъий назар, барча ҳомиладор аёллар ва янги туғилган чақалоқ ва ёш болали оналарга кўкрак сути билан эмизиш буйича маслаҳатлар берилиши, асосий психолого-амалий ёрдам кўрсатилиши керак.

Барча аёллар инфекция юқишини олдини олиш чоралари, кўкрак сути билан эмизишни бошлиш ва давом эттириш, қийинчиликлар юзага келганда ҳал қилиш буйича амалий ёрдам олишлари керак. Бундай ёрдамни тегишли равища үқитилган тиббиёт ходимлари ва эмизиш бўйича маслаҳатчилар амалга ошириши керак.

Онанинг умумий аҳволи оғир бўлган ҳолларда, боласини парвариш қилишга ёки эмизишни давом эттиришга имкони бўлмаса, кўкрак сутини соғиш тавсия этилади. Инфекция юқишини олдини олиш чоралари кўрилиши керак.

Агар онанинг умумий аҳволи оғир бўлса, кўкрак сути билан эмиза олмаса ёки кўкрак сутини соға олмаса, унда янги туғилган чақалоқни донор кўкрак сути ёки она сутининг ўрнини босувчи мос маҳсулотлар билан озиқлантариш мумкинлигини кўриб чиқиши керак.

COVID-19 ИНФЕКЦИЯСИ МАВЖУД БЎЛГАН ҲОМИЛАДОР, ТУҒУВЧИ ВА ТУҚҚАН АЁЛЛАРНИ МЕДИКАМЕНТОЗ ДАВОЛАШ

Ҳомиладор, тугруқдаги ва туққан аёлларни этиотроп даволаш

Ҳомиладорлик ва эмизиш даврида COVID-19 инфекцияси мавжуд бўлган аёлларни этиотроп даволаш усуллари ҳозирги кунда ишлаб чиқилмаган.

Рекомбинант интерферон алфа-2b (FDA бўйича С тоифаси) воситасининг фойдаси потенциал заарли таъсиридан юқори бўлганда қўлланилиши керак.

Этиотроп даво сифатида, вирусларга қарши дори-воситалари янги коронавирусга қарши самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳаётий кўрсатмаларга мувофиқ, буюрилиши мумкин. Бошқа ҳолларда, ҳомиладорлик ва эмизиш даврида, ушбу дори-воситаларни қўллаш хавфсизлиги ҳисобга олиниши керак.

Небулайзер ёрдамида ингаляция ўтказиш учун препаратнинг дозаси: 5 млн. ҲБ (ЕД) 2 мл инъекция учун стерил сувга, кунига икки маҳал.

Ҳомилага потенциал заарли таъсиридан аёл учун фойдаси юқори бўлгандан, **лопинавир + ритонавир** (FDA тоифаси аниқланмаган) дори-воситаларни қўллаш эҳтимоли бор: **ҳар 12 соатда 14 кун давомида 400 мг лопинавир + 100 мг ритонавир буюрилади.**

Per os қабул қилиш имкони бўлмаганда, препаратлар (400 мг лопинавир + 100 мг ритонавир) 14 кун давомида ҳар 12 соатда, назогastrал найча (зонд) орқали (5 мл) суспензия кўринишида юборилади.

Имкон қадар даволашни эрта бошлаш керак, бу эса сезиларли даражада соғайишни таъминлайди. Касалликнинг оғир ёки прогрессив кечиши кузатилган ҳомиладор аёлларда вирусларга қарши дори-воситалари, касаллик бошланган кунидан кечроқ бўлса ҳам, буюрилиши керак.

Эмизуви аёлларга вирусларга қарши дори-воситалари буюрилганда, эмизишни давом эттириш масаласи онанинг умумий аҳволига мувофиқ муҳокама қилинади.

Симптоматик даволаш

Симптоматик даволаш қўйидагиларни ўз ичига олади:

- иситмани тушириш;
Иситмани тушириш учун биринчи қўлланиладиган дори-восита парацетамол бўлиб, 500-1000 мг дан кунига 4 маҳал буюрилади (кунига 4 г дан ошмаслиги керак).
- ринит ва/ёки ринофарингитни комплекс давоси (намлантирувчи/элиминацион, бурун бўшлиғи қон томирларини торайтирувчи (деконгестантлар) дори-воситалар;
- бронхитни комплекс давоси (мукоактив, бронходилятатор ва бошқа дори-воситалар).

Иситмани тушириш учун қўлланиладиган дори-воситалар тана ҳароратининг 38.0-38.5°C дан юқори бўлган ҳароратларда буюрилади. Иситма, бош оғриғи, қон босими кўтарилиши ва оғир тахикардия аломатларини (айниқса, ишемик ўзгаришлар ёки ритм бузилиши мавжуд бўлганда) кўтара олмаслиги ҳолатларида, иситмани тушириш учун қўлланиладиган дори-воситалар, тана ҳароратининг пастроқ бўлган (38.0-38.5°C дан) ҳароратларида ҳам буюрилади. Энг **хавфсиз дори-восита парациетамол ҳисобланади.**

Ринит, фарингит, бурун битиши ва/ёки бурун оқишини даволашни **денгиз суви асосида тайёрланган тузли эритмаларни** (изотоник, бурун битиши кузатилганда гипертоник воситалардан) **маҳаллий қўллашдан бошлиш** керак. Агар улар самарасиз бўлса, **бурун бўшлиғи қон томирларини торайтирувчи (деконгестантлар)** дори-воситалари буюрилади.

Самараси бўлмаса ёки клиник аломатлар аниқ намоёнлиги кузатилганда, антисептик таъсирга эга бўлган турли хил эритмалардан фойдаланиш мумкин.

Ҳомиладорлик даврида (II ва III триместрларда), туғрукдан кейинги ва ҳомиладорликни сунъий йўл билан тўхтатишдан кейинги даврларда **муколитик (2-3 мл амброксол изотоник эритма билан 1:1 нисбатда 2-3 маҳал) ва бронходилятатор (20 томчидан ипратропиум бромид + фенотерол 2-4 мл изотоник эритмасида, кунига 2 маҳал)** дори-воситаларидан фойдаланиш мумкин. Ҳомиладорлик даврида (II ва III триместрларда), туғрукдан кейинги ва ҳомиладорликни сунъий йўл билан тўхтатишдан кейинги даврларда бронходилататор сифатида **сальбутамол** ҳам қўлланилиши мумкин (**2,5-5 мг дан 5 мл изотоник эритмада, кунига 2 маҳал**).

Нафас олишни етарли даражада қўллаб-қувватлаш комплекс даволашнинг зарур бўлган компоненти ҳисобланади. Ўткир респиратор касаллиги ва/ёки пневмониянинг клиник кўринишлари бўлган барча ҳомиладор аёлларда қон сатурацияси ўлчаниши керак.

Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни жонлантириш ва интенсив терапия бўлимига ўтказиш учун қўрсатмалар: тез кучайиб борувчи ўткир нафас етишмовчилиги (ЎНЕ) (нафас олиш сони 1 дақиқада > 25 , $\text{SpO}_2 < 92\%$, бошқа аъзолар етишмовчилиги (SOFA шкаласи бўйича 2 ва ундан юқори балл).

Тез кучайиб борувчи ЎНЕ кузатилган bemorlarни олиб бориш ЎзР ССВ томонидан ишлаб чиқилган COVID-19 инфекцияси бўйича Миллий қўлланмага мувофиқ амалга оширилиши керак (март, 2020).

Ҳомиладор, туғруқдаги ва түкән аёлларда антибактериал даволашнинг хусусиятлари

Инфекция оғирлашган ҳолатларда, бемор касалхонага ётқизилганидан сўнг, антибактериал даво дастлабки 2-3 соат ичидаги буюрилади.

Касалликнинг оғир кечиши қузатилган bemorларга антибактериал доривоситалар вена ичига юборилади.

Иккиласмчи вирусли бактериал пневмония қузатилганда (қўзғатувчилари эҳтимол тутилган *Streptococcus pneumoniae*, *Staphylococcus aureus* и *Haemophilus influenza*), антибиотикларнинг қуидаги даволаш схемаларини кўллаш афзалроқдир:

- **III авлод цефалоспорини ± макролид;**
- **ҳимояланган аминопенициллин ± макролид.**

Учламчи бактериал пневмонияда (қўзғатувчилари эҳтимол тутилган *Staphylococcus aureus* метициллинрезистент штаммлари, *Haemophilus influenza*) қуидаги препаратларни кўллаш исботланган (турли комбинацияларда):

- **IV авлод цефалоспорини ± макролид;**
- **карбапенемлар;**
- **ванкомицин;**
- **линезолид.**

Ҳомиладорлик даврида кўллаш тақиқланган антибактериал доривоситаларга тетрациклиналар, фторхинолонлар, сулфаниламидалар киради.

COVID-19 БИЛАН КАСАЛЛАНГАН ҲОМИЛАДОР, ТУҒРУҚДАГИ ВА ТҮКӘН АЁЛЛАРНИ СТАЦИОНАРДАН ЧИҚАРИШ МЕЗОНЛАРИ

- (1) уч кун давомида тана ҳарорати нормада бўлганда;
- (2) лаборатор кўрсаткичлари нормаллашганда;
- (3) касаллик белгилари, шу жумладан нафас олиш аъзолари томонидан симптомлар йўқ бўлганда;
- (4) камида 24 соат оралиқ билан кетма-кет икки марта ПЗР усулида COVID-19 тест натижалари манфий бўлганда (намуналар олиш учун имкон қадар биоматериал сифатида нажасни қўшиш керак);
- (5) ўпкадаги рентгенологик ўзгаришларнинг ижобий динамикаси қузатилганда;
- (6) кислород билан қўшимча респиратор қўллаб-қувватлашсиз $SpO_2 > 93\%$ ни ташкил этганда.

ИЛОВАЛАР

1-ИЛОВА

ЖССТ томонидан касалликни аниқлаш бўйича тавсия этилган стандарт белгилар

1. COVID-19 инфекциясига гумон қилинаётган ҳолат бу:

- эпидемиологик анамнезнинг маълумотлари билан биргаликда ўткир респиратор инфекция, бронхит, пневмония клиник белгилари мавжуд бўлган;
- сўнгги 14 кун ичида клиник аломатлари бошланишидан олдин COVID-19 инфекцияси бўйича эпидемиологик жиҳатдан осойишта булмаган мамлакатлар ва минтақаларда (Хитой, Италия, Испания, Германия, Франция, Швейцария, Эрон, Корея Республикаси, АҚШ) бўлиш;
- сўнгги 14 кун ичида янги коронавирус келтириб чиқарган COVID-19 инфекция бўйича кузатув остида бўлган ва кейинроқ касалланган шахслар билан бевосита мулоқотда бўлиш;
- сўнгти 14 кун ичида COVID-19 инфекцияси лабораторияда тасдиқланган шахслар билан бевосита мулоқотда бўлиш;
- сўнгги 14 кун ичида COVID-19 инфекцияси ҳоллари қайд этилган мамлакатнинг тиббиёт муассасасида бўлиш.

2. Эҳтимол ҳисобланган ҳолат бу:

- COVID-19 инфекцияси мавжудлиги бўйича лаборатория текшируви натижаси шубҳали ёки мусбат бўлган гумон қилинаётган ҳолат таърифига мос ҳолат.

3. COVID-19 инфекцияси тасдиқланган ҳолат бу:

- клиник белгилар ва аломатлардан қатъий назар, ПЗР-тестида SARS-CoV-2 вируснинг РНК мавжудлиги лаборатория натижаси мусбат бўлганида.

Гумон қилинаётган ҳолатларни аниқлаш ва баҳолаш bemornining turgan joyiga қараб уйда, izolyatsiya xonasida, tibbiyot muassasasiда ёки chegarada tibbiyot hodimi tomonidan amalga oshiriliishi kerak.

2-ИЛОВА

Мулоқотда бўлган шахсларни ва гумон қилинаётган ҳолатларни аниқлаш учун саволлар

Самимий, тинч ва далда берувчи овозда саломлашинг. Сўнг қуидагича сўранг: "Салом. Маълумки, COVID-19 инфекцияси тез тарқалишда давом этмоқда. Шу муносабат билан, биз COVID-19 инфекциясини юқтириб олишнинг потенциал хавфини аниқлаш мақсадида фаол текширув ўтказмоқдамиз. Қуидаги саволларга жавоб бера оласизми?":

1. Сиз сўнгги 14 кун ичида чет эл саёҳатини амалга оширдингизми?
 - а. Ҳа
 - б. Йўқ
2. COVID-19 инфекцияси тасдиқланган ёки эҳтимолий ташхиси мавжуд бўлган бемор билан бевосита мулоқотда бўлганмисиз?
 - а. Ҳа
 - б. Йўқ
3. Сўнгги 14 кун ичида чет элда бўлган ўткир респиратор касаллиги мавжуд бўлган шахс билан бевосита мулоқотда бўлганмисиз?
 - а. Ҳа
 - б. Йўқ
4. Сизда юқори ҳарорат, қайталangan ёки кучайиб кетган қуруқ йўтал ва нафас қисилиши каби белгилардан бирортаси мавжудми?
 - а. Ҳа
 - б. Йўқ

Агар шахс барча саволларга салбий жавоб берса, у мулоқотда бўлган шахс ҳам эмас, гумон қилинаётган ҳолатда ҳам эмас.

Агарда у ижобий жавоб берса ёки биринчи уч саволдан бирортасига жавоб беришдан бош тортса, у мулоқотда бўлган шахс ҳисобланади.

Агар у ижобий жавоб берса ёки биринчи уч саволдан бирортасига ва тўртинчи саволга ҳам жавоб беришдан бош тортса, у гумон қилинаётган ҳолатдаги шахс ҳисобланади.

З-ИЛОВА

COVID-19 инфекциясига гумон қилинаётган шахслар ва мулокотда бўлган шахсларнинг касалланиш хавфини баҳолаш

Самимий, тинч ва далда берувчи овозда саломлашинг. Сўнг қуидагиларни сўранг: "Салом. Маълумки, COVID-19 инфекцияси тез тарқалишда давом этмоқда. Шу муносабат билан, биз COVID-19 инфекциясини юқтириб олиш хавфини баҳолашни ўтказишимиз керак. Қуидаги саволларга жавоб бера оласизми?":

1. Неча ёшдасиз?
 - a. <60
 - b. >61
2. Чекасизми?
 - a. Ҳа
 - b. Йўқ
3. Сизда ушбу сурункали касалликлар (гипертония, юрак, бош қон айланиш тизими, ўпка, жигар касалликлари) мавжудми?
 - A. Ҳа
 - B. Йўқ
4. Сиз саратон, ОИВ-инфекцияси, аутоиммун ёки бошқа касалликларга қарши иммунодепрессив дори-воситаларини қабул қиласизми?
 - A. Ҳа
 - B. Йўқ
5. Ўтган ой мобайнида сизда жарроҳлик операциялар ўтказилганми?
 - A. Ҳа
 - B. Йўқ

Агар шахс барча саволларга (б) жавобини берса, у хавф гурухига кирмайди.

Агарда шахс саволлардан бирига (а) жавобини берса, у хавф гурухига киради.

4-ИЛОВА

COVID-19 инфекцияга гумон қилинаётган ёки тасдиқланган онадардан туғилған чақалоқтарни олиб бориши алгоритми

COVID-19 инфекцияга гумон қилинаётган/тасдиқланган онадан туғилған чақалоқ



Клиник баҳолашни ўтказинг

COVID-19 инфекцияга тест текшируви

- Туғилганидан сүнг 12-24 соат ичидә биринчи тест текшируви
- Иккінчи тестни 24 соатдан сүнг ўтказиш ҳам мүмкін
- Клиник күрсатмаларга күра (умумий ахволи оғирлашиши күзатылғанда) ҳам тест ўтказилади

Аниқланғ

- Чақалоққа күшімча тиббий ёрдам зарурияты борлығини
- Яңғы туғилған чақалоқ күшімча парваришиша мұхтож бўлганда онасидан ажратмаслик мүмкінлигини

Хавфни минималлаштиринг

- Яңғы туғилған чақалоқ инфекция юқтириб олиш хавфини камайтириш усуллари ва аҳамияти тўғрисида онани хабардор қилинг

Чақалоқтар
патология
бўлимига ўтказиш
зарурми?

Она ва бола биргалиқда бўлиши

- Алоҳида хонада (имкон қадар)
- Сепсис ҳолатига нисбатан юқори дараҷада сергаклик билан клиник баҳолаш ўтказинг
- Овқатлантириш усулини танлашда онани кўллаб-куватланг (шу жумладан, кўқрак сути билан эмизишини)
- Боласи билан кундалик мулоқотда инфекция юқтириш хавфини қандай камайтириш ҳақида онани хабардор қилинг
- COVID-19 инфекциясига салбий текширув натижаларни олгунга қадар одатда бажариладиган тадбирлар ва муолажаларни кечиктиринг

Чақалоқтар патология бўлимига ўтказиш

- Парвариш қилиш жараёни кувезда амалга оширилиши керак
- Алоҳида хонада (имкон қадар)
- Кўрсатмаларга кўра барча керакли тадбирларни ўтказинг
- Овқатлантириш усулини танлашда онани кўллаб-куватланг

Инфекция юқтириб олиш хавфини камайтириш усуллари

- Мулоқотдан олдин ва кейин кўлларни ювиш
- Тирсакнинг ички томонига акса уриш ва йўталиш
- Чақалоқни парваришилашда никобдан фойдаланиш
- Ташрифларни чеклаш
- Ускуналар ва сирт юзаларни ювиш/стерилизациялаш

Даволанишдан сўнг

Беморни чиқариш

- Хабардор қилинг:
 - Парвариш бўйича маслаҳатлар қаерда берилиши ҳақида
 - Келгусида кимнинг назоратида бўлиш ҳақида
 - Яна қандай белгилар намоён бўлиши мүмкінлиги ҳақида

COVID-19 инфекцияга қайта текшириш

- Клиник кўрсатмалар бўлганида (масалан, салбий натижалар олинганда ва оддий ҳаётга қайтганда)
- Тўлиқ соғайиб кетиш – кетма-кет иккى марта салбий натижага олингандан сўнг

COVID-19 ТАШХИСИНИ КҮЙИШ

Клиник аломатлари

- | | |
|---------|---|
| Күйпроқ | > тана ҳароратининг кўтарилиши
> ҳолсизлик
> мушақда оғриқ
> қуруқ йўтал
> ҳаво етишмаслиги ҳисси |
| Камроқ | > бурун битиши
> бурун оқиши
> томоқ оғриғи
> қон қусиш
> диарея |

Лаборатория диагностикаси: ПЗР-тести

- | | |
|---------------------|---|
| Асосий биоматериал | > бурун-халқум ва/ёки оғиз-халқумдан олинган суртма
> бронхлар ювинди суюқлиги
> (эндо)трахеал, назофарингеал суюқликлари
> балғам |
| Қўшимча биоматериал | > яхлит қон
> зардоб
> сийдик
> нажас |

COVID-19 ташхисини тасдиқлаш учун такрорий тестлар ўтказиш лозим бўлиши мумкин

Инструментал диагностиканинг асосий усули - компьютерли томография (ҳомиладорлик муддатидан қатъий назар ўтказинг).

Пневмониянинг асосий белгилари «хира ойна» каби кўринишдаги инфильтратлардир.

Дифференциал диагностикаси: вируслар, пневмония келтириб чиқарадиган бактериялар, хламидиялар, микоплазмалар (*Mycoplasma pneumoniae*) каби респиратор инфекцияларни истисно қилиш лозим.

Лаборатор:

- ✓ УМУМИЙ (КЛИНИК) ҚОН ТАҲЛИЛИ: лейкоцитлар нормада ёки камайган миқдорда бўлиши мумкин, лимфопения ва баъзида тромбоцитопения кузатилиши мумкин.
- ✓ БИОКИМЁВИЙ ҚОН ТАҲЛИЛИ (мочевина, креатинин, электролитлар, жигар ферментлари, билирубин, глюкоза, альбумин). Баъзида жигар ферментлари ва креатинфосфокиназа даражасининг ортиши кузатилади.
- ✓ ҚОН ЗАРДОБИДАГИ С-РЕАКТИВ ОҚСИЛ ДАРАЖАСИ: одатда ортади.
- ✓ КОАГУЛОГРАММА протромбин вақт, МНО, ФҚТВ билан.
- ✓ АРТЕРИАЛ ҚОН ГАЗЛАРИНИ ТЕКШИРИШ (ЎНЕ белгилари кузатилганда): РаCO₂, pH, бикарбонатлар, лактат (кўрсатмаларга кўра).

Инструментал:

- ✓ пульсоксиметрия
- ✓ электрокардиография (ЭКГ)
- ✓ ўпка рентгенографияси
- ✓ ўпка компьютер томографияси

COVID-19 ИНФЕКЦИЯГА ГУМОН ҚИЛИНАЁТГАН ЁКИ ТАСДИҚЛАНГАН АЁЛЛАРГА ТҮФРУҚДА ТИББИЙ ЁРДАМ КҮРСАТИШ

<p>COVID-19 ИНФЕКЦИЯГА ГУМОН ҚИЛИНАЁТГАНДА/ТАСДИҚЛАНГАНДА</p> <p>! Ҳомиладор аёл маҳсус түфруқ мұассасасыга ётқизилади</p> <p>Соғлиқни сақлаш тизимининг зўриқиши кузатилганда:</p> <p>! Ҳомиладорлик патологиясиз бўлса: → Телефон орқали маслаҳат бериш → Түфруқнинг латент фазасини уйда ўтказиш мумкин → Ҳомиладорликнинг хавфли белгилари мавжудлиги, COVID-19 инфекцияси кечиши оғирлашиши аломатлари тўғрисида хабардор қилинг</p>

**Уйдаги түфруқлар
ҳар қандай
ҳолатларда ХАВФЛИ
ҳисобланади!**

<p>Тиббиёт мұассасасига қабул қилингандан сунг</p> <p>! COVID-19 инфекцияга гумон қилинаётган/тасдиқланган аёлга түфруқхонада, түфруқдаги оддий аёлга каби тўлиқ тиббий ёрдам кўрсатинг.</p> <p>! Изоляция хонасига жойлаштиринг.</p> <p>! Оддий түфруқ каби назорат қилинг.</p> <p>! COVID-19 инфекциясининг клиник аломатлари оғирлигини баҳоланг.</p> <p>! Аёлнинг умумий аҳволини баҳоланг: тана ҳарорати, нафас олиш сони (НС), SPO₂.</p> <p>! Түфруқ бошланганда, амалдаги стандартларга мувофиқ олиб боринг.</p> <p>! Имкон қадар, доимий равишда кардиотокография (КТГ) ўтказинг.</p> <p>! Беморда сепсис кузатилса, амалдаги миллий тавсияларга риоя қилинг.</p> <p>! Түфруқдан олдин COVID-19 инфекцияси тасдиқланган бўлса, түфруқдаги аёлни назорати ва түфруқни қабул қилиш жараёнларини айни изоляция хонасида давом эттиринг.</p>

**COVID-19 бўлганда түғдиришнинг қандай усули энг афзал эканлиги тўғрисида
далиллар мавжуд эмас.**

Нафас олиш функциясининг ҳолати шошилинч түғдиришни талаб қилмаса, COVID-19 инфекцияси мавжудлиги түғдириш усулини танлашга таъсир қилмаслиги керак.

Табиий ёки индукция қилинган туғруқни олиб бориш	<ul style="list-style-type: none"> ! Туғруқ бошланиши билан, мультидисциплинар жамоа аetzоларини: акушер-гинеколог, анестезиолог, акушерка (доя), неонатолог, чақалоқлар бўлими ҳамшираси ва инфекционистларни хабардор қилинг. ! Иложи борича, кам сонли тиббиёт ходимларини жалб қилинг. ! Шошилинч ҳолат юзага келганда жалб қилинадиган тиббиёт ходимларининг рўйхатини тузинг. ! Туғруқдаги аёлни назорат қилинг: стандарт текширувлар тўпламини ўтказинг ва баҳоланг, қоннинг кислородга тўйиниш даражасини (SpO_2) ҳар соатда баҳоланг. ! SpO_2 нинг мақсадли кўрсаткичи $\geq 94\%$, агар у пасайса → кислород беришни таъминланг. ! Умумий оғриқсизлантириш қўллаш заруриятини камайтириш мақсадида, эпидурал ёки спинал оғриқсизлантиришни қўллаш мумкин. ! Кесарча кесиш амалиётини фақат шахсий ҳимоя воситаларида ўтказинг. ! Туғруқнинг иккинчи даврини тезлаштиришни (инструментал туғруқ) туғруқдаги аёлдаги клиник аломатлар, нафас қисиши кузатилиши, сатурация пасайиб кетишига қараб ўтказинг. ! Киндик кесишини ва унинг парваришини амалдаги стандартларга мувофиқ амалга оширинг. ! Имкони борича, туғруқ давомида КТГ ўтказинг.
---	---

Режали кесарча кесиш ва режали туғруқ индукцияси	<ul style="list-style-type: none"> ! Кесарча кесиш амалиёти режалаштирилганида → бошқа ҳомиладор аёлларга, тиббиёт ходимларига ва янги туғилган чақалоқга инфекцияни юқтириш хавфини минималлаштириш учун, туғруқ муддатини кечикитириш имконини баҳоланг. ! Кесарча кесиш амалиётини ўтказиш муддатини кечикитириш имкони бўлмаган ҳолда, COVID-19 инфекцияга гумон қилинаётган/тасдиқланган аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш тавсияларига риоя қилинг. ! Кесарча кесиш амалиёти пайтида акушерларнинг ҳаракатлари одатдаги амалиётдан фарқ қилмайди. ! Худди шундай, режали туғруқ индукцияси ҳолатларида ҳам, туғруқ индукцияси муддатини кечикитириш имконини индивидуал равища баҳоланг. ! Туғруқ индукцияси бажарилган аёллар бутун госпитализация даври мобайнода изоляция хонасида қолишлари керак.
---	--

COVID-19 ўрта ёки оғир даражада кечайётган беморларга тиббий ёрдам кўшичтаглари жиҳатлари	<p>COVID-19 инфекцияси тасдиқланган аёл қабул қилинганда:</p> <ul style="list-style-type: none"> ! Акушер-гинеколог, инфекционист, анестезиолог, акушерка (доя) мутахассислардан иборат малакали мультидисциплинар жамоани жалб қилинг ! Олиб бориш режасини мұхокама қилинг ва тақдим этинг, шу жумладан: <ul style="list-style-type: none"> ✓ Аёлга тиббий ёрдам кўрсатишида асосий устуворликлар. ✓ Беморга қайси бўлимда тиббий ёрдам кўрсатиш (жонлантириш бўлими, изоляция хонаси, инфекцион бўлими ва ҳ.к.). ✓ Ҳомиланинг ҳолати.
--	--

Тиббий ёрдам кўрсатишда устуворлик - беморнинг аҳволини, стандарт терапевтик усуllардан фойдаланган ҳолда, барқарорлаштириш .

Тиббий ёрдам кўрсатишда муҳим:	<ul style="list-style-type: none">! Барча ҳаётий муҳим кўрсаткичларни ҳар соатда назорат қилинг (гемодинамик мониторинг).! Қоннинг кислородга тўйиниш даражаси (сатурация) $\geq 94\%$ бўлишини таъминланг.! Нафас олиш сонини ҳар соатда ўлчанг ва ушбу кўрсаткичнинг динамикасини назорат қилинг.! Ҳомиладор бўлмаган аёлга ҳам кўкрак қафаси аъзоларининг рентгенографияси ва компьютер томографиясини ўтказинг. Дарҳол КТ амалга оширинг. Ҳомилани ҳимоя қилиш учун маҳсус ҳимоя фартукларидан фойдаланиш мумкин.
---	---

ТУҒРУҚДАН КЕЙИНГИ ТИББИЙ ЁРДАМ ВА ЧАҚАЛОҚЛАРНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ

Туғруқдан кейинги даврни олиб бориш bemorning умумий аҳволига боғлиқ.
Чақалоқларни мунтазам равишда изоляция қилиш тавсия этилмайди. Онани изоляция қилиш эҳтиёт чоралари олиб ташланмагунча, болани чақалоқлар бўлимига ўтказиш мумкин.
Аёллар, чақалоқларни парваришлашда, ниқобдан фойдаланишлари ва уни ишлатишдан олдин қўлларини яхшилаб ювишлари шарт.
Янги туғилган чақалоқларни озиқлантириш стандарт тавсияларга мувофиқ амалга оширилиши керак.
Барча ҳомиладор ва туққан аёлларга кўкрак сути билан эмизиш буйича маслаҳатлар берилиши, асосий психологияк ва амалий ёрдам кўрсатилиши керак.
Кўкрак сути билан эмизишга қарор қилган аёлларга, қўлларини тўғри ювиб ва ниқоб тақилгандан кейин, эмизишга рухсат берилиши керак.
Онанинг умумий аҳволи оғир бўлган ҳолларда, кўкрак сутини соғиш тавсия этилади. Инфекция юқишини олдини олиш чоралари кўрилиши керак.
Агар онанинг умумий аҳволи оғир бўлса, кўкрак сути билан эмиза олмаса ёки кўкрак сутини соға олмаса, унда янги туғилган чақалоқни донор кўкрак сути ёки она сутининг ўрнини босувчи мос маҳсулотлар билан озиқлантириш мумкинligини кўриб чиқиш керак.

ХОМИЛАДОР АЁЛЛАРДА COVID-19 ИНФЕКЦИЯСИНИ МЕДИКАМЕНТОЗ ДАВОЛАШ

Хомиладорлик ва эмизиш даврида COVID-19 инфекцияси мавжуд бўлган аёлларни этиотроп даволаш ўсуллари ҳозирги кунда ишлаб чиқилмаган.

Қуидаги вирусларга қарши дори-воситаларни қўллаш мумкин:

⇒ Рекомбинант интерферон алфа-2b (FDA бўйича С тоифаси).

Небулайзер ёрдамида ингаляция ўтказиш учун препаратнинг дозаси: 5 млн. ҲБ (ЕД) 2 мл инъекция учун стерил сувга, кунига иккى маҳал.

⇒ Лопинавир + ритонавир (FDA тоифаси аниқланмаган): ҳар 12 соатда 14 кун давомида 400 мг лопинавир + 100 мг ритонавир буюрилади. Per os қабул қилиш имкони бўлмаганда, препаратлар (400 мг лопинавир + 100 мг ритонавир) 14 кун давомида ҳар 12 соатда назогастрал найда (зонд орқали (5 мл) суспензия кўринишида юборилади.

Имкон қадар даволашни эрта бошлаш керак!

Симптоматик даволаш:

- > иситмани тушириш
- > ринит ва/ёки ринофарингитни комплекс даволаш;
- > бронхитни комплекс даволаш
- > Тана ҳарорати 38.0-38.5°C дан юқори бўлган холатларда иситмага қарши воситалар буюрилади.

Биринчи қўлланиладиган дори-восита парацетамол, 500-1000 мг дан кунига 4 маҳал буюрилади (кунига 4 г дан ошмаслиги керак).

Ринит, фарингит, бурун битиши ва/ёки бурун оқиши кузатилганда:

- 1) маҳаллий қўллаш учун тузли эритмалар;
- 2) назал деконгестантлар

! Қўллаш мумкин:

⇒ муколитик воситалар (2-3 мл амброксол изотоник эритма билан 1:1 нисбатда 2-3 маҳал)

⇒ бронходилитаторлар (20 томчидан ипратропиум бромид + фенотерол 2-4 мл изотоник эритмасида, кунига 2 маҳал),

⇒ сальбутамол (2,5-5 мг дан 5 мл изотоник эритмада. кунига 2 маҳал).

Хомиладор, тұғрұдаги ва түкқан аёлларни антибактериал даволаш

⇒ **Инфекция оғирлашган ҳолатларда**

Антибактериал даво госпитализациядан сўнг дастлабки 2-3 соат ичидаги буюрилади. Антибактериал дори-воситалар вена ичига юборилади.

⇒ **Иккиламчи вирусли бактериал пневмония кузатилганда** (қўзғатувчилари эҳтимол тутилган *Streptococcus pneumoniae*, *Staphylococcus aureus* и *Haemophilus influenzae*), антибиотикларнинг қуидаги даволаш схемаларини қўллаш афзалроқдир:

- III авлод цефалоспорини ± макролид;
- ҳимояланган аминопенициллин ± макролид.

⇒ **Учламчи бактериал пневмонияда** (қўзғатувчилари эҳтимол тутилган *Staphylococcus aureus* метициллинрезистент штаммлари, *Haemophilus influenzae*) қуидаги препаратларни қўллаш исботланган (турли комбинацияларда):

- IV авлод цефалоспорини ± макролид;
- карбапенемлар;
- ванкомицин;
- линезолид.

Хомиладорлик даврида қўллаш тақиқланган! антибактериал дори-воситаларга тетрациклинылар, фторхинолонлар, сулфаниламидлар киради.

COVID-19 ИНФЕКЦИЯГА ГУМОН ҚИЛИНАЁТГАН/ТАСДИҚЛАНГАН ОНАЛАРДАН ТУФИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАРНИ ОЛИБ БОРИШ АЛГОРИТМИ

Клиник баҳолашни ўтказинг

COVID-19 инфекцияга тест текшируви


- Туғилганидан сүнг 12-24 соат ичиди биринчи тест текшируви
- Иккинчи тестни 24 соатдан сүнг ўтказиш ҳам мүмкін
- Клиник күрсатмаларга кўра (умумий аҳволи оғирлашиши кузатилганда) ҳам тест ўтказилади

Аниқланг

- Чақалоққа кўшимча тиббий ёрдам зарурияти борлигини
- Янги туғилган чақалоқ кўшимча парваришга муҳтож бўлганда онасидан ажратмаслик мүмкинлигини

Хавфни минималлаштиринг

- Янги туғилган чақалоқ инфекция юқтириб олиши хавфини камайтириш усуслари ва аҳамияти түғрисида онани хабардор қилинг



Она ва бола биргаликда бўлиши

- Алоҳида хонада (имкон қадар)
- Сепсис ҳолатига нисбатан юқори даражада сергаклик билан клиник баҳолаш ўтказинг
- Овқатлантириш усулини танлашда онани қўллаб-қувватланг (шу жумладан, кўкрак сути билан эмизишни)
- Боласи билан кундалик мuloқotda инфекция юқтириш хавфини қандай камайтириш ҳақида онани хабардор қилинг
- COVID-19 инфекциясига салбий текширув натижаларни олгунга қадар, одатда бажариладиган тадбирлар ва муолажаларни кечиктиринг

Чақалоқлар патология бўлимига ўтказиш

- Парвариш қилиш жараёни кувезда амалга оширилиши керак
- Алоҳида хонада (имкон қадар)
- Кўрсатмаларга кўра барча керакли тадбирларни ўтказинг
- Овқатлантириш усулини танлашда онани қўллаб-қувватланг

- #### Инфекция юқиши хавфини камайтириш усуслари
- Мулокотдан олдин ва кейин қўлларни ювиш
 - Тирсакнинг ички томонига акса уриш ва йўтулиш
 - Чақалоқни парваришлашда никобдан фойдаланиш
 - Таширифларни чеклаш
 - Ускуналар ва сирт юзаларни ювиш/стерилизациялаш

Даволанишдан сўнг Беморни чиқариш

- Хабардор қилинг:
 - Парвариш бўйича маслаҳатлар қаерда берилиши ҳақида
 - Келгусида кимнинг назоратида бўлиш ҳақида
 - Яна қандай белгилар намоён бўлиши мүмкинлиги ҳақида

COVID-19 инфекцияга қайта текшириш


- Клиник кўрсатмалар бўлганида (масалан, салбий натижалар олинганда ва оддий ҳаётга қайтганда)
- Тўлиқ соғайиб кетиш – кетма-кет икки марта салбий натижа олингандан сўнг

Поликлиникага мурожаат қылганда ва стационар даволанишга юборилганда COVID-19 инфекцияси гумон қилинаётган ҳомиладор ва туғруқдаги аёлларни маршрутизациялаш АЛГОРИТМИ

Шошилинч ҳолатлардан ташқари, антенатал маслаҳатлашувларни биринчи ўринда масофавий алоقا орқали ўтказиш тавсия этилади (телефон, видеоалоқа ва б.).



**COVID-19 инфекцияси гумон қилинаётган ҳомиладор, туғруқдаги ва туққан аёл мурожаат
қилганда/қабул қилингандан маршрутизациялаш ва тиббий ёрдам кўрсатиш
АЛГОРИТМИ**



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Clinical management of severe acute respiratory infection when novel coronavirus (nCoV) infection is suspected 2020 //.
2. COVID-19: investigation and initial clinical management of possible cases 2020 //.
3. Report of the WHO-China Joint Mission on Coronavirus Disease 2019 (COVID-2019) February 16-24, 2020. //.
4. Ai T., Yang Z., Hou H., Zhan C., Chen C., Lv W., Tao Q., Sun Z., Xia L. Correlation of Chest CT and RT-PCR Testing in Coronavirus Disease 2019 (COVID-19) in China: A Report of 1014 Cases // Radiology. -- 2020. -- Feb 26. -- C. 200642.
5. Bajema K. L., Oster A. M., McGovern O. L., Lindstrom S., Stenger M. R., Anderson T. C., Isenhour C., Clarke K. R., Evans M. E., Chu V. T., Biggs H. M., Kirking H. L., Gerber S. I., Hall A. J., Fry A. M., Oliver S. E. Persons Evaluated for 2019 Novel Coronavirus - United States, January 2020 // MMWR Morb Mortal Wkly Rep. -- 2020. -- Feb 14. -- T. 69, № 6. -- C. 166-170.
6. Chan J. F., Yuan S., Kok K. H., To K. K., Chu H., Yang J., Xing F., Liu J., Yip C. C., Poon R. W., Tsui H. W., Lo S. K., Chan K. H., Poon V. K., Chan W. M., Ip J. D., Cai J. P., Cheng V. C., Chen H., Hui C. K., Yuen K. Y. A familial cluster of pneumonia associated with the 2019 novel coronavirus indicating person-to-person transmission: a study of a family cluster // Lancet. -- 2020. -- Feb 15. -- T. 395, № 10223. -- C. 514-523.
7. Chen H., Guo J., Wang C., Luo F., Yu X., Zhang W., Li J., Zhao D., Xu D., Gong Q., Liao J., Yang H., Hou W., Zhang Y. Clinical characteristics and intrauterine vertical transmission potential of COVID-19 infection in nine pregnant women: a retrospective review of medical records // Lancet. -- 2020. -- Mar 7. -- T. 395, № 10226. -- C. 809-815.
8. Chen N., Zhou M., Dong X., Qu J., Gong F., Han Y., Qiu Y., Wang J., Liu Y., Wei Y., Xia J., Yu T., Zhang X., Zhang L. Epidemiological and clinical characteristics of 99 cases of 2019 novel coronavirus pneumonia in Wuhan, China: a descriptive study // Lancet. -- 2020. -- Feb 15. -- T. 395, № 10223. - C. 507-513.
9. Guan W. J., Ni Z. Y., Hu Y., Liang W. H., Ou C. Q., He J. X., Liu L., Shan H., Lei C. L., Hui D. S. C., Du B., Li L. J., Zeng G., Yuen K. Y., Chen R. C., Tang C. L., Wang T., Chen P. Y., Xiang J., Li S. Y., Wang J. L., Liang Z. J., Peng Y. X., Wei L., Liu Y., Hu Y. H., Peng P., Wang J. M., Liu J. Y., Chen Z., Li G., Zheng Z. J., Qiu S. Q., Luo J., Ye C. J., Zhu S. Y., Zhong N. S.

Clinical Characteristics of Coronavirus Disease 2019 in China // N Engl J Med. -- 2020. -- Feb 28.

10. Holshue M. L., DeBolt C., Lindquist S., Lofy K. H., Wiesman J., Bruce H., Spitters C., Ericson K., Wilkerson S., Tural A., Diaz G., Cohn A., Fox L., Patel A., Gerber S. I., Kim L., Tong S., Lu X., Lindstrom S., Pallansch M. A., Weldon W. C., Biggs H. M., Uyeki T. M., Pillai S. K. First Case of 2019 Novel Coronavirus in the United States // N Engl J Med. -- 2020. -- Mar 5. -- T. 382, № 10. -- C. 929-936.
11. Huang C., Wang Y., Li X., Ren L., Zhao J., Hu Y., Zhang L., Fan G., Xu J., Gu X., Cheng Z., Yu T., Xia J., Wei Y., Wu W., Xie X., Yin W., Li H., Liu M., Xiao Y., Gao H., Guo L., Xie J., Wang G., Jiang R., Gao Z., Jin Q., Wang J., Cao B. Clinical features of patients infected with 2019 novel coronavirus in Wuhan, China // Lancet. -- 2020. -- Feb 15. -- T. 395, № 10223. -- C. 497-506.
12. Li Q., Guan X., Wu P., Wang X., Zhou L., Tong Y., Ren R., Leung K. S. M., Lau E. H. Y., Wong J. Y., Xing X., Xiang N., Wu Y., Li C., Chen Q., Li D., Liu T., Zhao J., Liu M., Tu W., Chen C., Jin L., Yang R., Wang Q., Zhou S., Wang R., Liu H., Luo Y., Liu Y., Shao G., Li H., Tao Z., Yang Y., Deng Z., Liu B., Ma Z., Zhang Y., Shi G., Lam T. T. Y., Wu J. T., Gao G. F., Cowling B. J., Yang B., Leung G. M., Feng Z. Early Transmission Dynamics in Wuhan, China, of Novel Coronavirus-Infected Pneumonia // N Engl J Med. -- 2020. -- Mar 26. -- T. 382, № 13. -- C. 1199-1207.
13. Li Y., Xia L. Coronavirus Disease 2019 (COVID-19): Role of Chest CT in Diagnosis and Management // AJR Am J Roentgenol. -- 2020. -- Mar 4. -- C. 1-7.
14. Liu D., Li L., Wu X., Zheng D., Wang J., Yang L., Zheng C. Pregnancy and Perinatal Outcomes of Women With Coronavirus Disease (COVID-19) Pneumonia: A Preliminary Analysis // AJR Am J Roentgenol. -- 2020. -- Mar 18. -- C. 1-6.
15. Liu K., Fang Y. Y., Deng Y., Liu W., Wang M. F., Ma J. P., Xiao W., Wang Y. N., Zhong M. H., Li C. H., Li G. C., Liu H. G. Clinical characteristics of novel coronavirus cases in tertiary hospitals in Hubei Province // Chin Med J (Engl). -- 2020. -- Feb 7.
16. Organization W. H. Director-General's remarks at the media briefing on 2019-nCoV on 11 February 2020 // -- 2020.
17. Prevention C. f. D. C. a. 2019 Novel coronavirus, Wuhan, China. Information for Healthcare Professionals. //.
18. Pung R., Chiew C. J., Young B. E., Chin S., Chen M. I., Clapham H. E., Cook A. R., Maurer-Stroh S., Toh M., Poh C., Low M., Lum J., Koh V. T. J., Mak

- T. M., Cui L., Lin R., Heng D., Leo Y. S., Lye D. C., Lee V. J. M. Investigation of three clusters of COVID-19 in Singapore: implications for surveillance and response measures // Lancet. -- 2020. -- Mar 28. -- T. 395, № 10229. -- C. 1039-1046.
19. van Doremalen N., Bushmaker T., Morris D. H., Holbrook M. G., Gamble A., Williamson B. N., Tamin A., Harcourt J. L., Thornburg N. J., Gerber S. I., Lloyd-Smith J. O., de Wit E., Munster V. J. Aerosol and Surface Stability of SARS-CoV-2 as Compared with SARS-CoV-1 // N Engl J Med. -- 2020. -- Mar 17.
20. Wang D., Hu B., Hu C., Zhu F., Liu X., Zhang J., Wang B., Xiang H., Cheng Z., Xiong Y., Zhao Y., Li Y., Wang X., Peng Z. Clinical Characteristics of 138 Hospitalized Patients With 2019 Novel Coronavirus-Infected Pneumonia in Wuhan, China // Jama. -- 2020. -- Feb 7.
21. Wei M., Yuan J., Liu Y., Fu T., Yu X., Zhang Z. J. Novel Coronavirus Infection in Hospitalized Infants Under 1 Year of Age in China // Jama. -- 2020. -- Feb 14.
22. Wu Z., McGoogan J. M. Characteristics of and Important Lessons From the Coronavirus Disease 2019 (COVID-19) Outbreak in China: Summary of a Report of 72314 Cases From the Chinese Center for Disease Control and Prevention // Jama. -- 2020. -- Feb 24.
23. Yang X., Yu Y., Xu J., Shu H., Xia J., Liu H., Wu Y., Zhang L., Yu Z., Fang M., Yu T., Wang Y., Pan S., Zou X., Yuan S., Shang Y. Clinical course and outcomes of critically ill patients with SARS-CoV-2 pneumonia in Wuhan, China: a single-centered, retrospective, observational study // Lancet Respir Med. -- 2020. -- Feb 24.
24. Zhao W., Zhong Z., Xie X., Yu Q., Liu J. Relation Between Chest CT Findings and Clinical Conditions of Coronavirus Disease (COVID-19) Pneumonia: A Multicenter Study // AJR Am J Roentgenol. -- 2020. -- Mar 3. -- C. 1-6.
25. Zhu H., Wang L., Fang C., Peng S., Zhang L., Chang G., Xia S., Zhou W. Clinical analysis of 10 neonates born to mothers with 2019-nCoV pneumonia // Transl Pediatr. -- 2020. -- Feb. -- T. 9, № 1. -- C. 51-60.
26. COVID-19 инфекцияси бўйича Миллий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, 2020
<http://www.minzdrav.uz/documentation/detail.php?ID=58045>
27. Coronavirus (COVID-19) infection and pregnancy (RCOG).
<https://www.rcog.org.uk/globalassets/documents/guidelines/2020-03-28-covid19-pregnancy-guidance.pdf>
28. Queensland Clinical Guidelines Perinatal care of suspected or confirmed

- COVID-19 pregnant women. Guideline No. MN20.63-V1-R25. Queensland Health. 2020. Available from: <http://www.health.qld.gov.au/qcg>
29. Poon L. C., Yang H., Kapur A., Melamed N., Dao B., Divakar H., David McIntyre H., Kihara A. B., Ayres-de-Campos D., Ferrazzi E. M., Carlo Di Renzo G., Hod M. Global interim guidance on coronavirus disease 2019 (COVID-19) during pregnancy and puerperium from FIGO and allied partners: Information for healthcare professionals // Int J Gynaecol Obstet. -- 2020. -- Apr 4
30. Оралиқ методик тавсиялар. Янги (COVID-19) коронавирус инфекциясининг олдини олиш, ташхислаш ва даволаш. Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги. Қуйидаги манзилда мавжуд: https://static3.rosminzdrav.ru/system/attachments/attaches/000/049/881/original/COVID19_recomend_v4.pdf (2020 йил 8-апрелдан фойдаланишга топширилди).